БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 7 (18.783). ● Якшанба, 1984 йил 8 январь ● Баҳоси 3 тийин.

САККИЗ ЙЎЛДОШ ПАРВОЗДА

1984 йил 5 январь куни Совет Иттифоқида Ернинг сунъий йўлдошлари «Космос-1522», «Космос-1523», «Космос-1524», «Космос-1525», «Космос-1526», «Космос-1527», «Космос-1528», «Космос-1529» учирилди. Саккизта йўлдошнинг ҳаммаси бир учирувчи ракета ёрдами билан орбитага чиқарилди.

Йўлдошлар ичига космик фазони тадқиқ қилишни давом эттириш учун мўлжалланган илмий аппаратлар ўрнатилган. Аппаратлар нормал ишлаб турибди. Координациялаш-ҳисоблаш маркази олинаётган маълумотларни ишлаб чиқмоқда.

(ТАСС).

ТАБИАТ ТЎҒРИСИДА ҒАМХЎРЛИК

СССР Министрлар Совети Президиумининг атроф-муҳитни муҳозафа қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масалалари билан шуғулланувчи комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди.

СССР Химия саноати министрлиги, Ўғит ишлаб чиқариш министрлиги, Нефть химияси саноати министрлиги, СССР Қора металлургия министрлиги ва СССР Рангли металлургия министрлиги табиатни муҳофаза қилиш, шунингдек мазкур министрликларнинг Сумгаит саноат узелида жойлашган корхоналарида кам чиқитли технология жараёнларини ишлаб чиқиб жорий этишга оид тадбирлари тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Комиссия ана шу министрликлар ушбу районда атроф-муҳитнинг ҳолатини яхшилаш юзасидан етарлича чоралар кўрмаётганликларини қайд этиб ўтди ва уларга Озарбайжон ССР Министрлар Советининг иштироки билан идораларга қарашли корхоналарнинг ҳаво ҳавзасига ва сув объектларига булғатувчи моддалар чиқариб ташлашнинг олдини олишга оид конкрет тадбирларни ишлаб чиқиб амалга оширишни топширди.

СССР Министрлар Советининг «Кичик дарёларни булғанишдан, ифлосланишдан ва қуриб қолишдан сақлашни кучайтириш ҳақида ва уларнинг сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш тўғрисида» 1980 йил 8 октябрда қабул қилган қарори қандай бажарилаётганлиги ҳақида СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигининг, Белоруссия ССР Министрлар Совети билан Тожикистон ССР Министрлар Советининг докладлари тингланди. Қулай сув режимини ва кичик дарёларнинг тегишли санитария ҳолатини сақлаб туриш юзасидан амалга оширилаётган ишларда жиддий камчиликлар мавжудлиги қайд этиб ўтилди. Қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат, гўшт, сут саноати ҳамда бошқа саноат тармоқлари корхоналари ва ташкилотларининг булғанган оқава сувлари ташланаётганлиги кичик дарёларга ҳамон катта зиён етказмоқда. Айни вақтда кичик дарёларни муҳозафа қилиш ишида кенг жамоатчилик, меҳнат коллективлари, комсомол ва пионер ташкилотлари алоҳида роль ўйнаши лозимлиги таъкидланди.

Комиссия ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланишга доир таклифлар қандай тайёрланаётганлиги тўғрисидаги масалани ҳам кўриб чиқди.

(ТАСС).

МАКТАБЛАРИМИЗ ИСТИҚБОЛИ

КПСС Марказий Комитетининг «Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари» умумхалқ муҳокамасига қўйилди. Совет кишилари уни катта қизиқиш билан ўқиб-ўрганмоқдалар. Ушбу ислоҳотдаги масалалар ҳар бир оила, барча меҳнаткашлар манфаатига дахлдор бўлиб, мамлакатимизнинг иқтисодий қудрати ва маънавий потенциалини янада юксалтириш, янги инсонни шакллантириш учун принципиал аҳамиятга эгадир. Лойиҳа муҳокамасини КПСС Марказий Комитети 1983 йил декабрь Пленуми қарорларидан келиб чиқадиган вазифаларни, ўртоқ Ю. В. Андроповнинг халқ хўжалигини янада ривожлантириш, партиямиз ва Совет давлатининг ҳозирги босқичдаги социал-иқтисодий сиёсатининг асосий йўналишларига оид нутқи текстида баён қилинган йўл-йўриқлар ва хулосаларни пропаганда қилиш ва тушунтириш билан, СССР Олий Советига 4 мартда ўтказиладиган сайловга тайёргарлик билан узвий равишда олиб бормоқ керак.

Бизнинг мактабларимиз тарихи совет жамияти тарихи, халқимизнинг қаҳрамонона революцион ва меҳнат жасорати билан чамбарчас боғланиб кетган. Совет мактаби — ҳақиқий халқ мактаби бўлиб, у барча гражданларга билимларни ва маданият бойликларини эгаллашга, истеъдод ва қобилиятни ҳар томонлама намойиш қилишга кенг имкониятлар очиб беради. Уни вужудга келтириш ва тараққий эттириш социалистик цивилизацияни қарор топтиришнинг муҳим омили бўлди. Шу туфайли Советлар мамлакати ҳозирги замон фани, техникаси ва маданияти чўққиларига ҳайратомуз парвоз қилди. Бу — социалистик ўзгаришлар ясашнинг оламшумул тажрибаси хазинасига қўшилган йирик ҳисса, янги ҳаёт қуриш йўлига ўтган давлатлар учун илҳомбахш намуна, социализмнинг капитализмга нисбатан тарихий афзалликларига ишонарли мисолдир.

Коммунистик партиянинг ривожланган социализмни планли ва ҳар тарафлама такомиллаштириш, унинг инсонпарварлик табиатини тўлароқ намоён қилиш, совет кишиларнинг ижодий активлигини янада ошириш борасидаги йўли мактаблар олдига катта ва масъулиятли вазифаларни олға сурмоқда. КПСС Марказий Комитети 1983 йил июнь Пленумининг программ йўл-йўриқларига мувофиқ, мактаблар ишини сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш зарур. Совет мактаби ёш авлодни улар яшайдиган ва ишлайдиган ижтимоий шарт-шароитларни энг кўп даражада ҳисобга олган ҳолда ўстиришга, ўқитиш ва тарбиялашга даъват этилган. Мазкур вазифаларни ҳал этиш йўллари КПСС Марказий Комитетининг лойиҳасида чуқур ва ҳар тарафлама кўрсатиб берилган.

Умумхалқ муҳокамаси учун эълон қилинган ҳужжатда ўсиб келаётган ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш билан боғлиқ кўп қиррали жараённинг ҳамма томонлари ўз ифодасини топган. Лойиҳада, шунингдек, ислоҳот давомида бартараф этилиши лозим бўлган нуқсонлар, камчиликлар, чунончи, ўқув-тарбия ишларининг мазмуни ва методикасидаги, ўқувчилар билимини баҳолашдаги расмиятчиликлар қайд этиб ўтилган. Мактабнинг актуал проблемаларини ишлаб чиқишда педагогика фани туб бурилиш ясаши лозим.

КПСС Марказий Комитетининг лойиҳасида таълим-тарбия бериш структурасини такомиллаштириш, умумтаълим, меҳнат ва профессионал тайёргарлик даражасини ошириш кўзда тутилган.

Еш авлодда меҳнатга эҳтиёж сезилишини тарбиялашга алоҳида аҳамият берилади. Меҳнат тарбияси, ўқитиш ва касбга йўналтириш масалаларининг тўғри йўлга қўйилиши, ўқувчиларнинг ижтимоий фойдали-унумли меҳнатда бевосита иштирок этиши — буларнинг ҳаммаси ўқишга онгли равишда муносабатда бўлишни ишлаб чиқишда, граждан сифатида оёққа туришда, шахсни маънавий ва интеллектуал шакллантиришда, жисмоний жиҳатдан камол топтиришда бебаҳо омиллардир.

Бизнинг мактабларимизда ҳамма вақт жуда кўплаб оталиқ ташкилотлар, дўстлар ва ёрдамчилар бўлган. Бу муносабатларни мустаҳкамлаш, қонун тусига киритиш таклиф қилинади. Меҳнат коллективлари, тармоқ министрликлари ва идоралари, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, ижодий союзлар, спорт жамиятлари олдига конкрет вазифалар қўйилянти.

Халқ маорифи системасида ҳунар-техника мактабининг роли жиддий ўсади. Ҳунар-техника билим юртларининг ҳозирда мавжуд турли типлари ягона типдаги ўқув юрти — касб-ҳунарпар бўйича бўлимлари, ўқишга кирувчиларнинг билим даражасига қараб ўқиш муддатлари аниқ бўлган «Ўрта ҳунар-техника билим юртлари» қилиб қайта ташкил этилади. Яқин йиллар ичида ёшларнинг бундай билим юртларига кириб ўқишлари анча кўпайиши кутилмоқда.

Партия ҳужжатидаги ҳаяжонли сўзлар халқ ўқитувчисига қаратилган. Кўп миллионли совет ўқитувчилари отряди мамлакатимизнинг фахри, партиянинг ёшларни тарбиялашдаги таянчидир. КПСС Марказий Комитетининг лойиҳаси ўқитувчининг жамиятимиз ҳаётидаги ролини, унинг обрў-эътибори ва нуфузини кўтариш, унинг ишлаш учун шароитларини, дам олишини, моддий аҳволини яхшилаш тўғрисидаги ленинча ғамхўрлик билан суғорилгандир.

Партиямизнинг ҳамма вақт халқ билан маслаҳатлашиш анъанаси бор. Мактабни ислоҳ қилишнинг ҳозирги лойиҳаси партия органлари, министрликлар ва идоралар, илмий муассасалар, ўқитувчилар таклифлари ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилган. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси лойиҳани умумхалқ муҳокамасига қўяр экан, жойлардаги партия комитетларига бу ишга бошчилик қилишни, гражданлар ва меҳнат коллективларидан тушадиган барча таклифлар ва мулоҳазаларни обдон ҳисобга олишни таъминлашни топширган. Бу ҳужжат қаерда муҳокама қилинмасин, мактабда ёки илмий муассасада, завод цехи ёки олий ўқув юртида, колхоз ёки қурилишда, бундан қатъи назар, коллектив фикр-мулоҳазаси Ватан ҳимоясига ва меҳнатга ёшларимизни яхшироқ тайёрлаш тўғрисидаги қимматли ғоялар ва таклифларни бойитишга хизмат қилиши мумкин.

Мактабни ислоҳ қилиш лойиҳасини ҳозир ўқитувчиларнинг январь конференцияларида кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида, педагогика олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтларининг илмий кенгашларида манфаатдорлик билан муҳокама қилиш бошланди. Шубҳасиз, ана шу педагогика кенгашларида жуда кўплаб амалий, ишга таалуқли тавсиялар билдирилади. Улар ҳозирдаёқ мактаб ишига жорий қилиниши мумкин ва зарур. КПСС Марказий Комитетининг лойиҳаси муҳокамаси бошланиши муносабати билан газета редакциялари телевидение ва радио амалий, ҳаяжонли мулоҳазалар, таклифларни олмоқда.

Ҳамма ерда мактабнинг таклиф қилинаётган ислоҳотига умумдавлат қўламидаги йирик тадбир, жуда катта ижтимоий-сиёсий воқеа сифатида қаралмоқда. Ислоҳотнинг амалга оширилиши мамлакатимизнинг ғоявий-сиёсий, иқтисодий ва мудофаа потенциалини мустаҳкамлашга, совет жамиятини ҳар томонлама тараққий эттиришга, бизнинг коммунизм сари олға боришимизга самарали таъсир қилади.

(«ПРАВДА», 1984 йил 7 январь).

ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ



Элни ясантириб

— Халқимизга кўплаб чиройли ва сифатли кийим-кечак етказиб берамиз!

Тошкентдаги «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг чевар қизлари ана шундай шиор билан фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Бирлашманинг бош корхонаси ва филиалларида сифат учун кураш кескин тус олган.

Бирлашмада меҳнатдаги ижодий ташаббусни ривожлантириш, аҳоли кўплаб талаб қилаётган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни жадаллаштириш соҳасида кейинги йилларда анча ишлар амалга оширилди. Тўқувчилар ишчи зонасини кенгайтириш учун бошланган социалистик мусобақани кенг қулоч ёздирмоқдалар. Натижада корхонанинг қатор цехларида тўқувчиларнинг деярли 80 проценти нормада белгиланганидан ортиқ дастгоҳларда ишлаб, юксак меҳнат унумига эришмоқдалар. Чунончи, нормадаги иккита ўрнига учта ва бештагача тўқув машинасида ишлаш одат тусига кириб қолди. Ҳозир корхонанинг ҳамма цехларида бу ҳаракат янада кенг қулоч ёзиб, план топшириқларини ошириб бажараётган ҳамда сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга эришаётган илғор тўқувчилар сафи тобора кенгайиб боратўр.

Гавҳар Тожибоева ҳам шу пешқадамлардан бири ҳисобланади. У корхонага ишга келганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Аммо, ўз касбини севиши, илғор иш усулларини қўлланишга сидқидилдан иштиёқмандлиги, техникага бўлган меҳр-муҳаббати ва бошқа фазилатлари туфайли ўз ишининг билимдони бўлиб қолди. Айни вақтда бирлашманинг донгдор ва етакчи тўқувчилари изидан бориб, нормада белгиланганидан кўп дастгоҳларни моҳирлик билан бошқармоқда. Натижада ойлик ва смена топшириқларини 120—125 процентга етказиб бажараётир. Гавҳар ҳозир 1984 йилнинг дастлабки кунларидан бошлаб янада баракали меҳнат қилмоқда. Чунки у элни ясантиришдек саховатли ишга оз бўлса ҳам ҳисса қўшаётганлигидан мамнун.

Суратда: Гавҳар Тожибоева.

В. Сироткин фотоси.

СССР Олий Совети Президиумида

СССР Олий Совети Президиуми ўртоқ Василий Васильевич **Бойцов** ўз илтимосига кўра пенсияга чиққанлиги муносабати билан уни СССР Стандартлар давлат комитети раиси вазифасидан озод қилди.

* * *

СССР Олий Совети Президиуми ўртоқ Георгий Дмитриевич **Колмогоров**ни СССР Стандартлар давлат комитетининг раиси этиб тайинлади.

* * *

ҲАЛОЛ МЕҲНАТ УЧУН МИННАТДОРЧИЛИК

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат ўртоқ Василий Васильевич **Бойцов**га партия ва халқ манфаатлари йўлидаги ҳалол меҳнати учун миннатдорчилик изҳор этди.

УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎРТОҚ М. САЛОҲИДДИНОВГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ФАН АРБОБИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика математика фанларини ривожлантиришдаги, юқори малакали илмий кадрлар тайёрлашдаги хизматлари учун ва туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан В. И. Романовский номли математика институтининг директори, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги Маҳмуд **Салоҳиддинов**га «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
О. САЛИМОВ.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Г. ҲАЙДАРОВА.

Тошкент шаҳри,
1984 йил 6 январь.

1984 йил 4 март СССР олий советига сайлов

ХАЛҚ УЛАРГА ИШОНАДИ

СССР Олий Советига ўтказилаётган бу йилги сайлов кампанияси совет кишиларининг Коммунистик партия тевараги атрофида жипслашганликларини, социалистик демократия тантанасини яна бир карра намойиш этмоқда.

Саноат корхоналари ва қурилишларнинг, колхозлар ва совхозларнинг коллективлари ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, зиёлиларнинг энг яхши вакилларини мамлакат давлат ҳокимияти олий органи депутатлигига номзод этиб кўрсатмоқдалар.

«Светлана» электрон приборсозлик бирлашмаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг йиғилишида ярим ўтказгич приборлар пайвандчиларининг бригадири **Алевтина Викторовна Шелудякова** Ленинград шаҳар Виборг сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатилди.

ВЛКСМ 50 йиллиги номли «Киришинефтеоргсинтез» ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи, СССР мудофаа министрининг биринчи ўринбосари Совет Иттифоқи маршали **Сергей Леонидович Соколов**ни Ленинград Қишлоқ сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатди.

Краснодардаги Седин завод станоксозлари корхона механика цехининг фрезерчиси **Алексей Максимович Карабутн**и Ленин сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатдилар.

Қорачой-Черкас и я д а г и «Жегутинский» совхозининг чорвадорлари хўжаликнинг энг яхши сут соғувчиси **Марнам Шамкеевна Айбазов**ани Усть-Жегутин сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатдилар.

Белгород область Корочан районидаги Карл Маркс номли колхоз меҳнаткашлари хўжалик раиси **Александр Иванович Мозговой**ни Белгород Қишлоқ сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатдилар.

СССР Фанлар академияси Сибирь бўлими органик химия институти коллективининг йиғилишида СССР Фанлар академиясининг вице-президенти, бўлим раиси академик **Валентин Афанасьевич Коптюч** Новосибирск сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилди.

Саранскдаги «Светотехника» бирлашмасининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари шиша буюмлар кесувчи **Анна Игнатьевна Соркинани** Октябрь сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатишга қарор бердилар.

«КамГЭСэнергострой» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари шу бирлашма гишт терувчиларининг бригадири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Вазил Салихович Мавликови**ни Брежнев сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатдилар.

Кизил шаҳридаги ремонт-қурилиш бошқармаси коллективининг йиғилишида суворқчи-бўёқчилар бригадири **Галина Афанасьевна Иванова**ни Кизил Ғарб сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатди.

Закарпатье область Иршава районидаги «За новую жизнь» совхозининг меҳнаткашлари механизациялаштирилган звено бошлиғи, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Юрий Юрьевич **Питрани** Закарпатье сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатдилар.

Винница областидаги Киров номли Могилев-Подольск машинасозлик заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари Украина ССР Рассомлар союзи правлениесининг раиси **Александр Михайлович Лопуховни** Могилев-Подольск сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатишга қарор бердилар.

Днепропетровск областидаги Л. И. Брежнев номли «Жанубий машинасозлик заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи бирлашманинг бош директори Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Александр Максимович Макаров**ни Ленин сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатди.

Белоруссия оптика-механика бирлашмасининг Вавилов номли Минск механика заводи коллективининг йиғилишида завод ишчиси **Тамара Павловна Карпенко** Минск-Первомайск сайлов округидан СССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилди.

«Тбилгорстрой» бирлашмаси 14-трестининг коллективи 10-қурилиш бошқармаси хўжалик ҳисобидаги комплекс бригадасининг бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Валериан Илларионович Челидзе**ни Тбилиси-Калинин сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатишни таклиф қилди.

Гулрипши районидаги Бабушар эфир мойли экинлар совхоз-заводининг меҳнаткашлари Грузия ССР Фанлар академиясининг президенти **Евгений Кириллович Харадзе**ни Гулрипши сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатдилар.

Ионава «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари аппаратчи **Геновайте Ионовна Самардокене**ни Литва ССР Кедайн сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатишга қарор бердилар.

В. Капсукас номли Вильнюс давлат университетида ўтказилган йиғилиш қатнашчилари университет ректори, Литва ССР Фанлар академиясининг академиги, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Ионас Пятрович Кубилюс**ни Вильнюс Ленин сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатдилар.

Тожикистон ССР Хисор районидаги марказий касалхона медицина ходимларининг умумий йиғилиши Душанба шаҳар 8-поликлиникасининг аёллар консультацияси мудири **Ирина Холматовна Аҳмедова**ни Хисор сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатди.

Анзоб кон-бойитиш комбинатининг коллективи Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Раҳмон Набиев**ни Тожикистон ССР Ўратепа сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатди.

СССР 60 йиллиги номли «Қорабоғаз сульфат» ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи бирлашма сульфат йиғиш машинасининг машинисти **Алпамис Болекбаевич Аманжоловни** Туркманистон ССР Красноводск Қишлоқ сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатишга қарор қилди.

«Ашхабадхлеб» ишлаб чиқариш бирлашмасининг меҳнаткашлари Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Муҳаммадназар Ғапурович Ғапуров**ни Ашхобод сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатдилар.

(ТАСС).

* * *

НУКУС, 7 январь. (ЎзТАГ). Нукус шаҳар бирлашган касалхонасида сайловолди йиғилиши бўлиб ўтди.

Катта медицина ҳамшираси, СССР Соғлиқни сақлаш аълочиси Т. С. Зернаева Нукус шаҳар бирлашган касалхонасининг педиатр врачи Б. Хўжамбергеновани СССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатди.

Санитарка, қаҳрамон она Р. Абдуллаева, касалхонанинг бош врачи К. Хозабеков, хирургия бўлимининг мудири К. Татлимуротов ва йиғилишнинг бошқа қатнашчилари кўрсатилган номзодни қувватлаб чиқдилар.

Йиғилиш **Бибойша Хўжамбергенова**ни 128-Нукус сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатишга якдиллик билан қарор қилди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ўқувчиларга таълим бериш ва уларни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасидаги хизматлари учун Сирдарё область Боёвут районидаги Усмон Юсупов номли 40-ўрта мактаб ўқитувчиси ўртоқ Болта Ниёзович **Рўзниёзов**га «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи» фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми партия, комсомол ва хўжалик органларида кўп йил самарали ишлаганлиги учун ва туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон Компартияси Бухоро область комитетининг бўлим мудири ўртоқ Фатулло Ғуломович **Хўжаев**ни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми хўжалик ва совет органларида кўп йил самарали ишлаганлиги учун ҳамда туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан халқ депутатлари Бекобод шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси ўртоқ Эргаш Абдураҳмонович **Аҳмедов**ни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми хўжалик органларида кўп йил самарали ишлаганлиги учун ва туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Балиқ хўжалиги давлат комитети раисининг ўринбосари ўртоқ Ҳабибулла **Мирзаахмедов**ни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми молия органларида кўп йил самарали ишлаганлиги учун халқ депутатлари Тошкент область Совети ижроия комитетининг бўлим мудири ўртоқ Турсун **Маҳмудхўжаев**ни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми кўп йиллик самарали илмий фаолияти, иқтисодий билимларни пропаганда қилишда актив иштирок этганлиги учун меҳнат илмий-тадқиқот институти Ўзбекистон филиалининг директори ўртоқ Абдувохид **Абдуғаниев**ни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ТЎҚҚИЗИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўнинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг тўққизинчи сессияси 10 январь куни эрталаб соат 10 да Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатлари 9 январь эрталаб соат 10 дан кечқурун соат 19 гача Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг биносида, 10 январь куни эса эрталаб соат 9 дан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Мажлислар залида рўйхатга олинадилар.

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

НАМАНГАН, 7 январь. (ЎзТАГ). Бугун Наманган область партия комитетининг пленуми бўлди. Пленум ташкилий масалани кўриб чиқди.

М. К. Камолов пенсияга чиққанлиги муносабати билан пленум уни область партия комитетининг биринчи секретари вазифасидан озод қилди.

Илгари Ўзбекистон ССР қурилиш министри бўлиб ишлаган Н. Р. Ражабов Наманган область партия комитетининг биринчи секретари қилиб сайланди.

Пленум ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев қатнашди ва нутқ сўзлади.

СЕССИЯНИНГ ҲУЖЖАТЛАРИ НАШР ЭТИЛДИ

СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Госплани раиси Н. К. Байбаков СССР Олий Советининг тўққизинчи сессиясида «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1984 йилги Давлат плани ва 1983 йилги планнинг бажарилиши тўғрисида» қилган доклади ва якунловчи сўзи китобча қилиб нашр этилди.

Сиёсий адабиёт нашриёти чиқарган китобчада СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1984 йилги Давлат плани ва 1983 йилги планнинг бажарилиши тўғрисидаги қарори ҳам киритилган.

(ТАСС).

ПАРТИЯВИЙ ИШ — ЖОНЛИ, ИЖОДИЙ ИШ

Область партия конференциялари

ТАРБИЯГА КОМПЛЕКС ЁНДАШАЙЛИК

Область партия ташкилотлари КПСС XXVI съезди қарорлари асосида коммунистларни, барча меҳнаткашларни тарбиялашга комплекс ёндашиб, уларни ғоявий-сиёсий жиҳатдан чиниқтиришни активлаштиришда муайян ютуқларга эришди. Область партия конференциясида ана шу масалага алоҳида эътибор берилди.

АНДИЖОН

Андижон область партия ташкилоти конференцияга хўжалик ва маданий қурилишнинг мураккаб вазифаларини ҳал этишда янги-янги тажрибалар билан бойинган ҳолда келди. Ҳисобот даврида область саноати тез суръатлар билан ривожланди: 1978 йилда область саноати 500 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган эди. 1983 йилда эса биринчи марта 1 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бу кўрсаткич, 1985 йилга бориб камида 1,5 миллиард сўмликка етказилади.

Область партия ташкилотлари қишлоқ хўжалигини интенсив ривожлантириш, Озиқ-овқат программасини ҳал этишга тобора кўпроқ ҳисса қўшиш масаласига ҳамма вақт катта аҳамият бериб келмоқда. Дон, картошка, сабзавот, жун, пилла, мева, узум, полиз маҳсулотлари ҳамда асал етиштириш ва давлатга сотиш йиллик планлари бажарилди.

Лекин Андижон области бу йил пахта тайёрлаш планини бажаролмади, мамлакат олдида қарздор бўлиб қолди. Бунга Жалолқудуқ, Хўжаобод, Пахтаобод, Олтинкўл, Баликчи, Кўрғонтепа, Избоскан ва Андижон районларида планнинг бажарилмаганлиги сабаб бўлди.

Обкомнинг биринчи секретари ўртоқ С. Мамарасулов қилган ҳисобот докладида ва музокарада қатнашган нотиқларнинг нутқларида қайд этилганидек, пахта ва бошқа маҳсулотларни янада кўпроқ етиштириш резервлари мавжуд. Конференцияда ана шу резервларни қидириб топиш ва ишга солиш ҳақида яхши гаплар бўлди. Конференция қатнашчилари илм-фан, маориф, соғлиқни сақлаш, савдо, коммунал хўжалиги ва бошқа соҳалардаги ишларнинг аҳволини ҳам чуқур таҳлил қилдилар. Советларга, касаба союзлари ва комсомолга партиявий раҳбарликни янада кучайтириш лозимлигига эътиборни қаратдилар.

Область партия комитети ўзининг кундалик амалий ишида кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш масалаларига алоҳида эътибор берди. Барча участкаларга снёсий етук, обрўли, яхши ташкилотчи, кишилар билан ишлашда тажриба орттирган кекса ва ёш кадрлар бошчилик қилишларини таъминлаш юзасидан зарур чоралар кўрилди. Партия турмуши ва коммунистик ахлоқ нормаларидан чекинишга йўл қўймаслик чоралари изчиллик билан амалга оширилди.

Область партия комитети ижрони текширишни яхшилаш ҳақида доимо ғамхўрлик қилиб келмоқда. Шунга қарамасдан ижрони такомиллаштириш ишида расмиятчилик ҳоллари учраб туради. Партия комитетлари кўпинча бир масала юзасидан такрорий қарорлар қабул қиладилар. Қарорлар ижросини қатъий талаб қилмаслик, ходимлар бир қисмининг ижрони ташкил этишни билмасликлари ишга салбий таъсир кўрсатмоқда. Олтинкўл, Андижон, Қўрғонтепа район партия комитетларида ижрони контрол қилиш, айниқса бўш йўлга қўйилган. Айрим Совет, касаба союз ва хўжалик органлари фаолиятида ҳам шундай камчиликлар бор.

Докладни муҳокама қилиш ғоят ишчанлик руҳида, принципиал характерда бўлганлигини алоҳида таъкидлаб ўтишга тўғри келади. Музокаралар чоғида партия ички ва ташқи сиёсатининг жуда кўп масалалари ҳақида гапирилди. Обкомнинг кўп қирорали фаолияти, ўтган уч йил якунлари чуқур таҳлил этилди.

— Мен иккинчи паррандачилик фабрикасида ишлайман, — деди Андижон паррандачилик бирлашмасининг паррандабоқари Х. Омонбоева. — 310 тонна ўрнига 325 тонна парранда гўшти етиштириб, уч йиллик шахсий планимни муддатидан икки ой илгари бажардим.

Лекин бирлашмамизда иш юришмаяпти. Парранда гўшти етиштириш ва давлатга сотиш плани бажарилмаяпти. Чунки, партия, давлат, меҳнат интизоми бўш, прогуллар кўп. Коллективимизда ўз вазифасига совуққонлик билан қаровчи, хизмат бурчини шахсий бойлик орттириш манбаи деб ҳисобловчи кишилар бор. 17 киши давлат мулкини талон-торож қилишда айбланиб жазоланди. Улар орасида коммунистлар ҳам борлиги ачинарли. Бу бирлашмамизда интизом, сиёсий-тарбиявий ишларнинг савияси қай даражада эканлигини яққол кўрсатиб турибди.

Конференция қатнашчилари Пахтаобод районидаги Ёқубов номли колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони М. Умарованинг нутқини зўр эътибор билан тингладилар.

— Ҳисобот даврида хўжалигимизда коммунистлар сафи 25 кишига ўсди, — деди нотиқ. — Колхоз партия ташкилоти меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш, уларнинг ишлаб чиқаришдаги, ижтимоий ҳаётдаги активлигини кучайтиришга катта эътибор бермоқда. Шунинг учун ҳам хўжалигимиз катта меҳнат ғалабасига эришяпти. Уч йилда она-Ватанга 9165 тонна пахта бериб, планни ошириб бажардик. Бу мўлжалдагидан 515 тонна кўп.

Хўжаобод районидаги «Ўзбекистон» колхозининг бригада бошлиғи А. Жўраева конференция минбаридан туриб: «Ҳисобот докладида районимиз жуда тўғри танқид қилинди. Пахта планини бажаролмадик. Танқиддан тўғри хулоса чиқаришимиз, Хўжаободнинг аввалги шуҳратини тиклашимиз керак, — деди.

Конференцияда сўзга чиққан делегатлар — Андижон шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Й. Ҳомидов, Бўз район партия комитетининг биринчи секретари А. Раҳимов, Ленинск трактор прицеплари заводининг слесари А. Афонин, Олтинкўл район хўжалик ва маданий буюмлар фабрикасининг бригада бошлиғи М. Холиқов ва бошқалар идеология ишига комплекс ёндашиш, ғоявий-сиёсий, меҳнат ва маънавий тарбияни яхшилаш, ишлаб чиқариш, социал вазифаларни ҳал этишда меҳнат коллективларининг, раҳбар кадрларнинг ролини ошириш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилишга доир мулоҳазаларни ўртага ташладилар. Улар КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарори, партия Марказий Комитетининг июнь Пленуми кўрсатмалари асосида меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашни тинмай кучайтириш, ташкилотчилик ва сиёсий ишларнинг усул ҳамда услубларини муттасил такомиллаштириш партия ташкилотларининг биринчи даражали вазифаси эканлигини кўрсатиб ўтдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси аъзоси, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ О. У. Салимов конференцияда нутқ сўзлади.

Конференцияда тегишли қарорлар қабул қилинди ва область партия комитетининг раҳбар органлари сайланди.

Конференция ишида КПСС Марказий Комитети Енгил саноат ва халқ истеъмоли моллари бўлимининг сектор мудири А. Ф. Макаров иштирок этди.

* * *

Область партия комитетининг ташкилий пленуми бўлди. С. М. Мамарасулов область партия комитетининг биринчи секретари, А. П. Шендрик — иккинчи секретари, М. Муҳиддинов, М. Раҳимов, И. Қурбонов — секретарлари қилиб сайландилар.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

МАСЪУЛИЯТ ВА ТАЛАБЧАНЛИК КУЧАЙТИРИЛСИН

Конференция бошланишидан олдидан айрим делегатлар билан учрашиб, суҳбатлашдик.

— Бугунги конференциядан нималарни кутмоқдасиз! — сўрадик тикувчилик фабрикаси партия ташкилотининг секретари Моҳира Умаровадан.

СИРДАРЁ

— Умидимиз катта, — деди суҳбатдошимиз фикрини жамлаб. — Ўтган уч йилда анчагина ишлар қилинди. Ютуқлар кўп. Аммо камчиликларимиз ҳам оз эмас. Ана шулар ҳақида коммунистларга хос талабчанлик билан гап юритилишини, ишни яна ҳам яхшилашга қаратилган таклифлар киритилишини кутмоқдамиз.

Моҳира Умарова — областдаги йирик саноат корхоналаридан бири — Ўзбекистон комсомолининг 50 йиллиги номли тикувчилик фабрикаси партия ташкилотининг секретари. Ўн йилча муқаддам шу корхона қучоғига биринчи бор қадам қўйганида, олий маълумотли бу ёш мутахассис эндигина мустақил ҳаёт қўйнига кириб келаётган эди. У мана шу коллективда ўсиб-улғайди, ҳаётда ўз ўрнини топди. У конференцияда сўзга чиқиб, ҳали биз билан суҳбатлашган чоғдаги фикр-мулоҳазаларини ривожлантирди, ўз ташкилотидаги ютуқ ва камчиликлар, коммунистларнинг орзу-истаклари, корхона истиқболи ҳақидаги эътиборли фикр-мулоҳазаларни баён этди. Конференцияга ҳисобот доклади билан чиққан область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ В. Ҳайдуров эса мазкур фабрика коллективини донгдорлар қаторида тилга олиб ўтди.

Ўн биринчи беш йилликнинг ўтган уч йилида область саноатчилари баракали меҳнат қилдилар. Натижада саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 1980 йилга нисбатан 71 миллион сўмга ошди.

Афсуски, саноат ишлаб чиқаришида нуқсонлар ҳам оз эмас. Комсомол, Ильич, Оқолтин районларнинг партия ташкилотлари саноатни ривожлантириш масаласига бугунги кун талаби нуқтаи назаридан ёндаша олмаётирлар. Кўпгина корхоналарда ишлаб чиқариш қувватларининг 30—50 процентидан фойдаланилаётир, холос. Натижада маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни реализация қилиш уч йиллик плани бажарилмади.

Шунингдек, область партия комитетининг капитал қурилиш, транспорт, алоқа хизматини яхшилаш борасидаги фаолияти ҳам чуқур таҳлил қилинди. Капитал қурилишда рўй бераётган камчиликлардан бири қуш ва маблағларнинг кўп объектларга сочиб юборилаётганлигидадир. «Голодностепстрой» бошқармасининг бўлинмаларида, «Облколхозстрой» трестида шундай аҳвол кўпроқ содир бўлмоқда. Партия ташкилотлари ишни ташкил қилишдаги кўпгина нуқсонлар билан муроса қилиб келаётирлар.

Ҳисобот даврида область партия комитети қишлоқ хўжалигини ихтисослаштириш ва концентрациялаш, янги ташкил этилган агросаноат ишлаб чиқариш бирлашмалари ишини такомиллаштириш, пахта, ғалла, сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш борасида муайян иш олиб борди. Ўтган уч йил мобайнида 1 миллион 193 минг тонна пахта ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотилди. Оғир об-ҳаво шароитларига қарамай ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқариш ўтган беш йилликнинг шу даврдагига нисбатан 27 процент ўсди.

Уч йиллик якунига кўра, сирдарёликлар давлатдан 47 минг тонна пахта қарздор бўлиб қолдилар. Бунда область партия комитети, қатор районларнинг партия ташкилотлари пахтачилик проблемаларини ҳал этишда баъзи жиддий хатоликларга йўл қўяётганликларидан далолат беради.

— Биз пахтачиликни янада ривожлантириш бўйича катта резервларга эгамиз, — деди докладчи, — ютуқлар калити аввало қатъий коммунистик интизом, уюшқоқликда, партия, Ватан олдидаги юксак бурчимизни чуқур ҳис эта олишимиздадир.

Жуда ўринли эътироф. Гап — уларга амал қилиш, партия ташкилотларини, коммунистларни, барча меҳнаткашларни ана шу улкан вазифаларни амалга оширишга моҳирона сафарбар эта олишда қолган. Коммунистнинг авангардлиги, ташаббускорлиги ва масъулиятини ошириш ҳақида ғамхўрлик кўрсатиш, коммунистик интизом ва уюшқоқликни кучайтириш лозим.

КПСС XXVI съезди, партия Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленуми қарорларини амалга ошира бориб, партия ташкилотлари меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш, иделогия ишларини жонлантириш борасида баъзи тадбирларни амалга оширдилар. Шу билан бирга бу борадаги жиддий камчиликлар конференцияда принципиал танқид қилинди. Идеология, таълим-тарбия, матбуотга раҳбарликни янада яхшилаш ҳақидаги фикр-мулоҳазалар баён этилди.

Конференцияда бошланғич партия ташкилотлари билан ишлаш, партиявий-ташкилий ишларни олиб боришда айрим нуқсонлар ҳам йўқ эмаслиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Бу қарор ва унинг ижросини таъминлаш, партия йиғилишларининг таъсирчанлиги ва тарбиявий ролини ошириш, коммунистларга берилган партиявий топшириқларнинг вақтида бажарилиши, бошланғич ва цех партия ташкилотлари, партия группаларининг жанговарлигини ошириш сингари муҳим партиявий-ташкилий ишларда, айниқса, яққол кўзга ташланмоқда. Ильич, Ховос, Комсомол район партия комитетлари КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь Пленуми қарорлари асосида ўз иш услубларини қайта қуриб олмадилар. Қарорларнинг ижросини текшириш ва контроль қилишга етарли эътибор бермадилар. Кўплаб қарорлар қабул қилиш «тажрибаси»дан ҳали ҳам воз кечилгани йўқ. Шу сабабли ижрони назорат қилиш сусайиб кетяпти, белгиланган тадбирлар тўла бажарилмаяпти, баъзан эса қарорлар қоғозда қолиб кетяпти. Гулистон шаҳар, Сирдарё, Гулистон ва Ховос район партия комитетлари 1983 йилда 400 дан ортиқ қарор қабул қилдилар. Бир масала юзасидан қайта-қайта қарорлар қабул қилинган пайтлар ҳам бўлди.

Конференцияда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Е. А. Айтмуротов нутқ сўзлади.

Конференцияда тегишли қарорлар қабул қилинди ва область партия ташкилотининг раҳбар органлари сайланди.

Конференцияда КПСС Марказий Комитетининг масъул ходими Н. Е. Вологдин иштирок этди.

* * *

Область партия комитетининг ташкилий пленуми бўлиб ўтди. Ўртоқ В. А. Хайдуров область партия комитетининг биринчи секретари, ўртоқ А. Ш. Хабибуллаев — иккинчи секретари, С. Давлатова, О. Азимбеков, Ю. Йўлдошев ўртоқлар — секретарлари қилиб сайландилар.

А. УМАРОВ,
Р. ТУРСУНОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбирлари.

САМАРАДОРЛИК — АСОСИЙ МЕЗОН

Қўриқ Қашқадарё области коммунистлари ўз анжуманларига снёсий жиҳатдан чиниққан, меҳнатда янгидан янги зафарларга эришган ҳолда келдилар. Область партия ташкилоти етуклик ва жанговарлик, хўжалик ҳамда снёсий вазифаларни муваффақиятли ҳал қилишда катта сафарбарлик намунасини кўрсатмоқда.

ҚАШҚАДАРЁ

— Область партия ташкилотининг ташкилотчилик ҳамда снёсий фаолиятининг асосий йўналиши, — деди область партия комитетининг биринчи секретари Р. Ғойибов конференцияда қилган ҳисобот докладида, — партия XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумлари қарорларида, ўртоқ Ю. В. Андроповнинг нутқларида баён этилган қондалар ва хулосаларни собитқадамлик билан амалга оширишга қаратилди.

Ҳисобот даврида партия барча бўғинларининг жанговарлиги оширилди. Халқ хўжалигига партиявий раҳбарликни такомиллаштиришга, кадрларни танлаш ва тарбиялаш, қабул қилинган қарорларнинг ижросини таъминлаш масалаларига катта эътибор берилди. Бу эса меҳнатда янгидан янги зафарларга эришишни таъминлаяпти. Кейинги йилларда Қашқадарё ҳар томонлама жадал юксалаётган йирик областга айланди. Унинг саноати, қишлоқ хўжалиги ва маданий ҳаётида жиддий ўзгаришлар юз бермоқда. Бепоён Қарши даштини ўзлаштириш ва суғориш иншоотларини барпо этиш, қўриқ ерларда саноат ишлаб чиқаришини тез суръатлар билан ривожлантириш партия ташкилотининг диққат марказида бўлмоқда.

Бу область партия ташкилоти снёсий етуклигини, катта ташкилотчилик ва сафарбар этувчилик қобилиятига эга эканлигини, ленинча иш услубига оғишмай амал қилиб, хўжалик ва маданий қурилишнинг ҳар қандай мураккаб вазифаларини адо этишга қодирлигини яққол кўрсатди. Конференцияда халқ хўжалигини юксалтириш, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш соҳасидаги энг муҳим юмушларнинг аҳволи атрофлича таҳлил қилинди.

Конференцияда сўзга чиққан нотиқлар — Қарши шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Я. Ильяди, Муборак район партия комитетининг биринчи секретари Н. Осмонов, Шаҳрисабздаги «Ҳужум» бадиий буюмлар фабрикасининг тикувчиси З. Шарипова, 4-механизациялашган кўчма колонна бригадири, СССР Давлат мукофоти лауреати М. Ҳакимов ва бошқалар экономикага партиявий раҳбарлик яхши йўлга қўйилганлиги, новаторлар, машъал коллективларнинг тажрибалари кенг оммалаштирилаётгани, социалистик мусобақа ютуқлар гарови бўлаётганлигини мароқланиб гапирдилар.

Бироқ барча шаҳар ва район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш билан малакалироқ шуғулланганларида, муваффақиятлар бундан ҳам зиёда бўлган бўлур эди. Афсуски, кўпгина корхоналарда қувватлар ва ички резервлардан етарли фойдаланмаслик ҳоллари юз бермоқда. Муборак газни қайта ишлаш заводи, Қарши, Шаҳрисабз, Яккабоғ, Чироқчи пахта тозалаш заводлари, Қарши уйсозлик комбинати, Косон ёғ-экстракция заводи каби корхоналар айби билан ўтган йили 34 миллион сўмлик кам маҳсулот ишлаб чиқарилди. 13-қурилиш трести, «Каршиирстрой» бирлашмаси, Қарши уйсозлик комбинати, 19-қишлоқ қурилиши трести, «Ўзбекгазжилстрой» трести каби қурилиш ташкилотларида қурилиш-монтаж ишларининг аҳволи талабга мутлақо жавоб бермайди — қурилиш ташкилотларида кадрлар қўнимсизлиги ҳамон юз бермоқда, меҳнат интизоми бўш.

Пахтачилик область экономикасида етакчи ўринни эгаллайди. Пахтакорлар ҳисобот даврида партия ташкилотлари раҳбарлигида «оқ олтин»дан юқори ҳосил етиштириб келмоқдалар. Биргина ўтган йили она-Ватан қашқадарёлик заршунослардан 620 минг тонна «оқ олтин» қабул қилиб олди. Область тарихида биринчи марта шунча миқдорда кўп пахта етиштирилди. Шунинг 165 минг тоннасини саноат учун қимматли хом ашё — ингичка толали пахта ташкил этади. Лекин докладчи ва музокарада сўзга чиққан нотиқлар таъкидлаганларидек, пахтачиликда бундан ҳам зиёд зафарларга эришиш мумкин. Аммо айрим колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари мавжуд резерв ва имкониятлардан етарли равишда фойдаланаётганлари йўқ. Оқибатда ҳосилдорлик ҳамон пастлигича қолмоқда. Ҳамма шарт-шароит етарли бўла туриб, Нишон районидаги «Пахтаобод» совхози, Чироқчи районидаги Охунбобоев номли, Яккабоғ районидаги «Ленин учқуни» каби 19 та хўжалик, 860 та бригада йиллик пахта тайёрлаш планини бажаролмади.

Область партия конференциясида колхоз ва совхозларда ғалла ва чорвачилик маҳсулотларини етиштириш борасида белгиланган тадбирлар қандай бажарилаётганлиги тилга олиб ўтилди. Ўтган уч йилда давлатга 500 минг тонна ғалла, 600 минг тонна полиз, сабзавот маҳсулотлари, 100 минг тонна гўшт, 205 минг тонна сут, 208 миллион дона тухум, бир ярим миллион дона қоракўл тери, 8140 тонна жун топширилди.

Сўзга чиққан делегатлардан Косон район партия комитетининг биринчи секретари Д. Тўлаганов, Ульянов районидаги «Партия XXIV съезди» совхозининг бригадири Г. Мирзаева, Кўқдала районидаги «Қизил аскар» совхозининг бош чўпони А. Каримов ва бошқалар бу муваффақиятларга асосан чорвачиликнинг моддий базаси мустаҳкамланаётганлиги, чорва молларининг туёқ сонини ўстириш, наслини яхшилаш туфайли эришилаётганлигини қайд қилдилар. Аммо, дейишди нотиқлар, область ва район партия комитетлари чорвачиликни жадал ривожлантириш, гўшт, сут ва тухум етиштиришни кўпайтириш юзасидан белгиланган тадбирларни бажаришда етарли талабчанлик кўрсатмаяптилар. Бундай камчиликлар, айниқса Баҳористон, Муборак, Ғузор, Деҳқонобод ва Косон районларида мавжуд.

Конференцияда партиявий-ташкилий, идеологик ишлар даражасини муттасил ошириб бориш, унинг форма ва усулларини такомиллаштириш, бошланғич партия ташкилотлари ролини ошириш, коммунистларнинг авангардлиги ва ташаббускорлигини кучайтириш область партия комитетининг биринчи даражали вазифаси эканлиги кўрсатиб ўтилди.

Конференцияда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари Т. Н. Осетров, СССР газ саноати министрининг ўринбосари С. Р. Дижов ўртоқлар нутқ сўзлади.

Конференцияда тегишли қарорлар қабул қилинди ва область партия ташкилотининг раҳбар органлари сайланди.

* * *

Область партия комитетининг ташкилий пленуми бўлди. Ўртоқ Р. Ғойибов область партия комитетининг биринчи секретари, ўртоқ И. И. Головачёв — иккинчи секретари, М. Худойқулов, Б. П. Кунченко, М. Гулмирзаев ўртоқлар — секретарлари қилиб сайландилар.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

> **Кадрларни ишчанлиги ва снёсий тайёрлигига қараб пухта танлаш, ишлаб чиқаришнинг чинакам ташкилотчиларини, ташаббускор, қобилиятли ходимларни тарбиялаб вояга етказиш жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Кадрларга нисбатан қарор топган хайрихоҳлик муносабати юксак талабчанлик ва принципиаллик билан тобора кўпроқ бирга қўшилиши керак.**
>
> *Ю. В. АНДРОПОВ*

ЧУҚУР ТАҲЛИЛ, ПАРТИЯВИЙ ПРИНЦИПИАЛЛИК

Ҳисобот даври ленинчи партиямизнинг бутун дунёда тинчликни сақлаб қолиш борасида сарфлаётган беқиёс кучгайратини, ўн биринчи беш йилликнинг катта кўламдаги планларини ошириб бажариш учун авж олиб кетган умумхалқ ҳаракати руҳини, совет кишиларининг коммунистик қурилишнинг барча соҳаларида қўлга киритаётган буюк муваффақиятларини акс эттиради.

СУРХОНДАРЁ

— КПСС XXVI съезди, партия Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумлари қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Ю. В. Андроповнинг йўл-йўриқларини изчиллик билан бажариш учун курашаётган областимиз партия ташкилотлари, коммунистлари ва барча меҳнаткашларининг асосий диққат-эътибори, — деди область партия комитетининг биринчи секретари А. Каримов, — давлат ва меҳнат интизомини мустаҳкамлашга, халқ хўжалигида меҳнатни ташкил этишни такомиллаштиришга, мавжуд резервларни тўла ишга солишга, омманинг ташаббускорлиги ва ижодкорлигини янада оширишга қаратилди.

Докладчи ва музокаларда сўзга чиққан делегатлар кейинги уч йил давомида саноат, транспорт, қурилиш ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш соҳасида катта ютуқлар қўлга киритилганлигини таъкидладилар.

Лекин айни чоғда шуни ҳам айтиш керакки, биргина ўтган йилнинг ўзида беш саноат корхонаси маҳсулот реализация қилиш, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, меҳнат унумдорлигини ўстириш планларини, ўн бир корхона ишлаб чиқариш ҳажмини ўстириш, олти корхона меҳнат унумдорлигини ошириш топшириқларини уддалай олмади. Кўпчилик корхоналарда ҳанузгача кадрларнинг қўнимсизлиги 20 процентгача бориб етади.

Ҳисобот даврида область партия ташкилотларининг асосий эътибори КПСС аграр сиёсатини амалга оширишга, партия Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленуми белгилаб берган мамлакат Озиқ-овқат программасини муваффақиятли бажаришга қаратилди. Ингичка толали пахта етиштириладиган майдонлар анча кенгайтирилди, агротехника хизмати, минерал ўғитлардан ва комплекс механизациядан фойдаланиш яхшиланди. Деҳқончилик маданияти оширилди. Пахта уруғчилиги анча яхшиланиб, юқори сифатли тола берадиган навлар кўплаб етиштириладиган бўлди. Область пахтакорлари кейинги уч йилда тайёрлов пунктларига деярли 1,6 миллион тонна, шу жумладан 833 минг тонна ингичка толали пахта етказиб беришди. Бошқача қилиб айтганда, шу муддатда бутун ўнинчи беш йиллик мобайнида етиштирилган миқдорда ипак пахта тайёрланди. Ингичка толали пахта етиштириш бўйича беш йилликнинг охирига белгиланган марра эгалланди. Ҳар гектар ердан 37 центнердан ҳосил етиштирилди. Ипак пахта ҳосилдорлиги 39 центнерни ташкил этди.

Пахтачиликни ривожлантириш борасида кўп иш қилинаётган бўлса-да, деб таъкидланди конференцияда, айрим район партия, совет, хўжалик органларининг ходимлари, бир қатор колхозлар, совхозларнинг партия ташкилотлари, раҳбарлари ҳосилдорликни, ялпи ҳосилни ошириш резервларини тўла ҳаракатга келтиришга интилмаётирлар. Гагарин, Олтинсой, Денов районлари, ўнлаб колхоз ва совхозларда ахвол шундай.

Маълумки, меҳнатни ташкил этишни такомиллаштириш — резервларни ишга солишнинг муҳим ва ҳал қилувчи шартидир. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини бошқаришнинг янги усуллари жорий этилиши, алмашлаб экиш участкаларининг ташкил этилганлиги ва коллектив бригада пудратини тўла қўлланиш қишлоқ хўжалигида резервлар тобора тўла ишга солинишида катта роль ўйнамоқда. Колхоз ва совхозларда алмашлаб экиш участкаларининг тузилиши билан ер ўзининг ҳақиқий эгасини топди. Қишлоқ хўжалик техникаси, маҳаллий ва минерал ўғитлардан, сувдан ва ишчи кучидан фойдаланиш самарадорлиги янада ошди. Энг муҳими, илмий-техника тараққиёти ва ишлаб чиқариш новаторларининг илғор тажрибалари кенг ва дадил қўлланиладиган бўлди. Шунингдек, социалистик мусобақанинг ошкоралиги ва таъсирчанлиги кучайди. Бунда алмашлаб экиш участкалари цех партия, касаба союз, комсомол ташкилотларининг жанговарлиги, принципиаллиги етакчи роль ўйнамоқда. Улар дала ва ферма меҳнаткашлари ўртасида оммавий-сиёсий ва ташкилотчилик ишларини тубдан яхшиладилар.

Область партия комитети ўртоқ Ю. В. Андроповнинг сифатли ва унумли меҳнатни, ташаббус ва изланишларни ҳар томонлама рағбатлантирадиган иқтисодий ва ташкилий шароитлар яратиш зарур, деб айтган йўл-йўриқларига қатъий амал қилиб, коллектив пудратини деҳқончилик билан бир қаторда чорвачиликка ҳам собитқадамлик билан жорий этмоқда. Натижада сўнгги уч йилда гўшт 15 процент, сут 13 процент кўпайишига эришилди. Парандачилик ҳам жадал ривожланмоқда. Дон, сабзавот, узум ишлаб чиқариш ҳам бир ярим баравар ортди. Мева 40 процентга, картошка 2,5 баравар кўпайди. Пилла, жун, қоракўл тери тайёрлаш уч йиллик планлари ошириб бажарилди. Илғор коллективлар тажрибаси чуқур ўрганилиб, умумлаштирилди ва оммалаштирилди. Область партия комитети коллектив пудратни жорий этиш билан бир вақтда меҳнатни ташкил этишни такомиллаштиришни, ишлаб чиқариш формаларини шунга мослаб ўзгартиришни лозим топди. Совхозларда бўлимлар ва колхозларда ишлаб чиқариш участкалари ташкил этилди. Ҳозир область қишлоқ хўжалигидаги 554 та алмашлаб экиш участкасида ҳамма ишлар пудрат усулида бажарилмоқда.

Бироқ, бу соҳада ҳали ғоят масъулиятли вазифалар турибди. Айниқса, чорвачиликда ечилмаган муаммолар кўп. Баъзи районларда гўшт ва сут етиштириш камайиб кетмоқда.

Область партия комитети КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленуми қарорига амал қилиб, идеологик, снёсий-тарбиявий ишларни яхшилашга жиддий эътибор бермоқда. Ҳисобот даврида партия сафлари 2927 кишига ўсди. Денов шаҳар партия комитети, 131 бошланғич, 240 цех партия ташкилоти янгидан ташкил этилди. Райкомларнинг янги ташкил этилган қишлоқ хўжалик бўлимлари актив фаолият кўрсатяпти.

Область партия конференцияси делегатлари социалистик мусобақани тағин ҳам қизғин тус олдириш, партиявий-ташкилий ишларни юксак поғонага кўтариш, кадрларни танлаш ва тарбиялашни яхшилаш, қабул қилинган қарорларнинг ижроси учун курашни кучайтириш, меҳнаткашларнинг хатларига ҳозиржавоб бўлиш, экономиканинг ҳамма соҳаларини ривожлантиришда партия ташкилотларининг ташкилотчилик иши даражасини янада ошириш, ишлаб чиқариш ва давлат интизомини мустаҳкамлаш орқали ўн биринчи беш йиллик марраларини шараф билан забт этажакларини яқдиллик билан баён қилдилар.

Конференцияда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси аъзоси, Туркистон Ҳарбий округи қўмондони Ю. П. Максимов нутқ сўзлади.

Конференцияда тегишли қарорлар қабул қилинди ва область партия ташкилотининг раҳбар органлари сайланди.

* * *

Область партия комитетининг ташкилий пленуми бўлиб ўтди. Ўртоқ А. Каримов область партия комитетининг биринчи секретари, ўртоқ Г. П. Стешенко иккинчи секретари, Х. Холёров, Қ. Бобоқулов, П. Шометов ўртоқлар секретарлари этиб сайландилар.

А. ХАЛИЛОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Ижод бўстони

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» КОНКУРСИГА

Омон МАТЖОН,
Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати

ҲАР ЮРАК КАМАЛАКДИР

ИНҚИЛОБ

Қутлуғ кунда кўз очдинг,
Ҳур айём эт, инқилоб.
Хумо қушдек оламга
Сен салом эт, инқилоб.

Минг дарё тошувидек,
Боғларнинг яшилидек,
Ернинг ўз яшовидек,
Сен давом эт, инқилоб.

Куртакдан томиргача,
Юзадан замиргача,
Энг жажжи умргача
Эҳтиром эт, инқилоб.

Ҳар юрак камалакдир,
Ҳар халқ улкан фалакдир,
Орзулари юксакдир —
Сен эҳром эт, инқилоб.

Тинмай тараққий айлаб,
Тинчликни боқий айлаб,
Ер ўғлин соқий айлаб,
Кўкни жом эт, инқилоб.

Битсин зўрлик, ҳокимлик,
Узгаларга боқимлик,
Сен барчага тотимлик
Эрк инъом эт, инқилоб.

Сен кел, қўлла ёшларни,
Ёд эт азиз бошларни,
Кўчир қалбдан тошларни,
Чашма ном эт, инқилоб.

Кимни хоб илан кўрсанг,
Ижросиз план кўрсанг,
Амалсиз эълон кўрсанг,
Интизом эт, инқилоб.

Байналминал муқаддас,
Унда тенгдир ҳар бир сас,
Қўшиқ шундан узилмас,
Сен илҳом эт, инқилоб.

Ёв бошласа зарбини,
Ё ҳиссизлик ҳарбини,
Шоирингнинг қалбини
Истеҳком эт, инқилоб.

Борсан тақдир-чекимда,
Музаффар бўл, чекинма,
Кўксимда ён, бекинма,
Беором эт, инқилоб!

ДИНОЗАВРЛАР ҚАБРИСТОНИ

Гоби саҳросининг қўрғошин зирҳи,
яйдоқ кенгликлари сўнгсиз, бепоён.
Олам дўнгалакдир. Шу бўшлиқда ҳам
топилди ташландиқ улкан қабристон.

Йиллар шиббалаган шағал остида
ҳуд бўғиқ муҳитда янграган нидо,
ўнлаб динозавр устихонлари
ётар бир-бирига жипс ва мувосо.

Жазира тентиган, қаҳратон кезган,
борса келмас макон, олис салтанат
кечмишнинг баҳайбат маҳлуқларини
нечук тутқун этган! Бу на шайтанат!!

Нақ оёқ чиқарган қоядек жонлар
нечун макон этмиш бу ғурбат чўлин!
Қайси ёвуз кучга қарши бош тиклаб,
бари бирга бирдан топмишлар ўлим!!

Балки, ўз туғишган масканларидан
уларни беомон босқин ҳайдаган!!
Ё майда риёкор каслар фитнаси
юртни чўл, буларни қувғин айлаган!!

Балки, янги ҳаёт, ризқ ваъда этиб,
чалғитиб, бир муҳмал йўлларга бошлаб,
йўлбошчиси ўлган манзилга етмай,
ёки қочиб қолган буларни ташлаб!!

Ё фалаклар ичра бурҳлар қўзғолиб,
остин-устун этган сафо иқлимни,
улуғ дарёларни мангу музлатиб,
гулзорлар устида совуриб қумни!!

Балки, шу Гобининг ўзида бир пайт
буюклар қадрсиз қатағон бўлган,
шундан чўлга дўнган яшнаган диёр,
тириклик бутраган, ломакон бўлган!!

Мен гоҳи хаёлга ботиб, ўзимда
қардошлик сезаман динозавра:
нафратда, ҳайратда қолавераман
не-не пасткаш жонлар қилган жабрга.

Ушбу ачомлашган суяклар узра —
динозаврларнинг қабрида туриб,
бутун ер юзида улуғ зотларга
шундай бир сўзларни айтдим ўкириб:

Азизлар! Ногаҳон, ғафлатда топиб,
бир офат етмасин юракка, ерга!
Энди ҳушёр туринг ва лозим бўлса
динозаврлардек жон беринг бирга!

* * *

Симоб устунига жо бўлганман мен,
Симоб устунига жон бўлган жоним.
Алвон балиқшларим кўринмай қолса,
Демак ғуж, совуққа учиккан оним.

Оламда бош тиклаб турмоғим учун
Қуёш сўрамайман билониҳоя,
Илиқ кафтларингни менга чўзсанг бас,
Илиқ нафасингни сезсам кифоя.

* * *

ҚЎШИҚ

Нечун бу куз сўлғиндир,
Кўзинг ёшга тўлғиндир!
Не бўлганин айтмасанг,
Билмадим, не бўлгимдир!
Сен унда доғ бўлдинг,
Мен унда доғ қолдим.

Надин титрар сийналар,
Надин аччиқ гиналар!
Йўлимизга ғайрилар
Сочди совуқ нийналар.
Сен унда доғ бўлдинг,
Мен унда доғ қолдим.

Эй, ҳуснда биринчим,
Э, тишлари дур-инжум,
Узинг, ёлғиз ўзингсан —
Бу дунёда илинжим.
Сен унда доғ бўлдинг,
Мен унда доғ қолдим.

Мен баҳор истаюрман,
Жуда зор истаюрман.
Бир қарорга кел энди,
Мен қарор истаюрман.
Сен унда доғ бўлдинг,
Мен унда доғ қолдим.

Ташналаб келдим, қуруқ ваъзинг керакмас, сув керак,
Не керак инсонга ғам, ул ҳақдаги туйғу керак.

Халқалаб қўйган билан ўзгармагай қуш нисбаси,
Бизга булбулдан либосмас, жон озуқ ху-ху керак.

Уфқ ошиб кетган қуёшдан бўлмас илиқлик хонага,
Саҳфа жон олмоғига бир шамгина ёғду керак.

Муттаҳамлар гоҳида ҳомий топиб этса ҳаво,
Эл қўлида ҳақ юзин кўрмоққа зўр кўзгу керак.

Гар умидингча фалак айланмаса, ўксинмагил,
Яккалаб қўйма юракни, орзу керак, орзу керак.

Неки топган, йиққанингни алмаш меҳрга, элга бер,
Чунки, инсонга бу оз умринда кўп ёғду керак.

Яхши элга хизматинг сенга улуғ унвон, Омон,
Юз ёруғ юрмак учун сўз ичра мўл инжу керак.

ЮМАЛОҚ ХАТ БИТУВЧИГА ЭПИГРАММА

Мен фалакдан сенга раҳмат ва мурувват сўргайман,
Сен ҳақ гапни ёзган бўлсанг, минг ҳовучлаб юрагинг.
Аммо туҳмат қилган бўлсанг, сени шундай қарғайман:
Ўлгунингча ечилмасин шу йил кийган кўйлагинг..

АДАБИЙ ЎЙЛАР

ЗАМОН ХИЗМАТИДА

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИнинг 1983 йил июнь Пленуми идеология бутун партиянинг иши деб эълон қилди. Июнь Пленуми халқ ва мамлакат олдига қўйган муҳим масалалар орасида янги инсонни тарбиялаш, камол топтириш алоҳида ўрин тутади. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг раиси Ю. В. Андропов Пленумда сўзлаган нутқида бу масалага тўхталиб: «Кишиларни маънавий камол топтириш соҳасида катта иш олиб бормай туриб, ривожланган социализмни такомиллаштириб бўлмайди», деди.

Пленум кишиларимизнинг, ёшларимизнинг маънавий тарбиясида бадиий адабиётнинг, санъатнинг роли ниҳоятда катта эканини таъкидлади. Халқимизнинг бебаҳо бойлиги — классик адабий меросни илмий асосларда ўрганиш, уни тўғри пропаганда қилиш, ундан замонавий мақсадларда баракали фойдаланиш ҳам шу Пленумнинг тарихий қароридан келиб чиқадиган вазифалардан биридир.

Совет даврида ўзбек классик адабиётини ўрганиш, тадқиқ этиш борасида катта ишлар қилинди. Ўтмиш адабиётимизнинг Сайф Саройи, Гадоий, Аҳмадий, Турди, Хожа, Роқим, Рожий, Махмур, Нишотий, Дилшод, Анбар Отин, Нозил каби ўнлаб намояндалари янгидан кашф этилиб, адабиёт тарихидан ўз ўрнини эгаллади. Беш томлик «Ўзбек адабиёти тарихи» яратилди. Ҳозирги вақтда ўзбек ва Шарқ классик шоирлари асарларининг катта тиражларда чоп этилиб, тез тарқаб кетаётгани халқимиз орасида адабий меросга бўлган қизиқишнинг чинакам оммавийлигидан далолат беради.

Минг йиллик тарихга эга бўлган ўзбек адабиёти материалларини қидириб топиш, нашр этиш, илмий ўрганиш бўйича кўп ишлар қилинган бўлса ҳам, аммо бу ишларни охирига етган деб ҳисоблаш, бу соҳада хотиржамликка берилиш асло мумкин эмас. Ўтган йили Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти томонидан «Асрлар нидоси» тўпламининг нашр этилиши шуни кўрсатадики, ҳали бизга номаълум бўлган шоир ва адиблар, уларнинг номаълум асарлари анчагина. Уларни ҳормай-толмай қидириб топиш, жамоатчиликка етказиш бу соҳа мутахассисларининг бурчи. Масалан, кейинги вақтда янги аниқланган ўзбек шоирларидан бири тошкентлик Қулфат бўлиб, бу шоир ижтимоий келиб чиқишига кўра, қул экан. Шунга қарамай, у адабиёт тарихида ўз сўзини айта олган. Бу чиндан ҳам янгилик.

Биз ўз илмий тадқиқотларимиз билан китобхонлардаги классикага бўлган ихлосни сақлаб қолишимиз, янада мустаҳкамлашимиз, бинобарин, уларнинг асарларидаги ғоявий-бадиий фазилатларни янада чуқурроқ ва ишончлироқ қилиб очиб, изоҳлаб беришимиз, бу соҳадаги ишларнинг савиясини тобора юқори кўтаришимиз керак. Классиклар ҳақида қизиқарли иш ёзмаган, бор гапларни такрорлаш билан чегараланган муаллифлар эса (бундай муаллифлар, афсуски, йўқ эмас!) улардан китобхон ихлосини совутган бўлади.

АДАБИЁТ ТАРИХИдан биз ўтмишни, ўтмиш билан боғлиқ муҳим воқеа ва ҳодисаларни ўрганамиз. Адабиётни халқ оммасининг ўзига хос тарихи дейиш мумкин. Лекин бу «тарих»нинг ҳозирги замон кишилари учун ибрат бўладиган томонлари ҳам йўқ эмас. Талантли ва зукко ижодкорларимиз ўзларининг турли адабий жанрларга оид асарларини яратар эканлар, уларда муаллифларнинг ўз қарашлари, ҳис-туйғуларигина эмас, объектив тарихий ҳақиқат, халқ оммасининг, илғор ижтимоий гуруҳларнинг фикр ва ақидалари ҳам ўз аксини топган. Масалан, «Юсуф ва Зулайҳо», «Гул ва Наврўз», «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Тоҳир ва Зуҳра», Сайфулмулук ва Бадеъулжамол ҳақидаги қисса ва достонларни ўқир эканмиз, бу асарларнинг сюжет ва образлари асос эътибори билан халқ оғзаки ижодидан олинган. Истеъдодли шоирларимиз бу қиссаларга сайқал бериб, уларни яна халққа қайтариб берганлар. Фарҳод ва Ширин тўғрисидаги афсона Навоийгача ҳам бўлган. Лекин Навоий қаламидан чиққан бу қисса кейинчалик яна ҳам шуҳрат топган. Бу хил достонларда халқ орзу-умидлари, келажак ҳақидаги хаёллари ифодаланган. Бу хил халқчил образлар воситасида Дурбек, Лутфий, Навоий, Мажлисий каби сўз усталари ўзларининг жамият тараққиёти билан боғлиқ энг гўзал ғояларини илгари сурганлар. Масалан, Дурбекнинг «Юсуф ва Зулайҳо» достонида қаҳатчилик йиллари, халқнинг оғир аҳволи тасвирланар экан, бу аҳволни енгилатиш учун Юсуф мамлакатдаги, ҳамманинг қўлидаги бор дон, озиқ-овқатни умумлаштириш ҳақида буйруқ беради. Шундай қиладилар. Бу оқилона тадбир яна бир йилга мамлакатдаги иқтисодий қийинчиликни енгиллаштиради. Дурбек ва бошқа достончиларимиз асарларидаги одамларни бирлаштиришга, дўстлаштиришга қаратилган ўз даври учун ғоят прогрессив, бугун ҳам эътиборга лойиқ фикр ва қарашлар адабиёт тарихчиларимиз, ижтимоий-фалсафий фикр тарихини ўрганувчи мутахассислар томонидан ҳали тўла ва етарли изоҳланмаган. Бадиий адабиёт аспектида эмас, бошқа ижтимоий, ҳатто табиий фактлар аспектида ҳам ўрганишга жиддий эътибор бериш мақсадга мувофиқдир.

Биз улуғ ватандошимиз, улуғ математик олим ва файласуф, табиатшунос Мусо Ал-Хоразмий таваллудининг 1200 йиллигини нишонладик. Бундан бир неча йил олдин уни ҳозирги замон алгебра, кибернетика фанининг асосчиси десалар, унча ишонмасдик. Эндиликда Мусо Ал-Хоразмийнинг бу соҳадаги буюк хизматлари жаҳон миқёсида тўла исботланди. Ал-Хоразмийнинг пайдо бўлиши тасодифий бўлмаган. IX—XI асрларда Ўрта Осиё ва Яқин Шарқ мамлакатларида чиндан ҳам табиий фанлар ниҳоятда тараққий этган. Ўзбек адабиёти тараққиётини шу контекстда, табиий фанларга қиёслаб ўрганиш ҳам ўзининг ажойиб самараларини бериши мумкин. XI аср шоири Юсуф Хос Ҳожиб «Қутадғу билиг» достонида:

Қамуғ эзгуликлар
билиг асғи ул,
Билик бирла бўлди
масал кўкка йўл.
(Жамеъ хайрли
ишлар билим
нафидур,
Билим ҳатто
осмон сари
йўл очур!) —

дер экан, бунда билимнинг кучига тўғри баҳо берилган. Бу ҳол шоирнинг ўз давридаги табиий фанларга яқин турганини ҳам кўрсатади. XIV аср шиори Сайф Саройи эса, «Суҳайл ва Гулдурсун» достонида ўз қаҳрамонларининг бир ҳолатини Ернинг Қуёш атрофида айланишига ўхшатади. («Гунаш гирдинда юрган мисли ердек»). Бу ҳам масалага тарихан конкрет ёндашганда тўғри ва асосли. Фан турли йўллар билан тараққий этади. Ўрта осиёлик мутафаккирлар қайсидир йўл билан Ернинг Қуёш атрофида айланишини буюк астроном Коперникдан 200 йил олдин билган бўлсалар, бу ҳам тасодифий эмас. Чунки астрономия фани Ал-Хоразмий, Беруний ларнинг фаолияти мисолида жаҳоншумул ютуқларни қўлга киритган эди. Алишер Навоий асарларида эса, илмий қарашлар ўзининг бундан ҳам кенг ифодасини топди. Масалан, у ерни чексиз ясси ҳолда эмас, шарсимон шаклда («Кураи хок») тасаввур этган ва осмондек тарозу палласи бўлса, унга ер ўлчов тоши бўлиши мумкин деб ҳисоблаган. Унинг «Хамса»даги осмоннинг юқори қисми — космоса, вазнсизлик ҳолатига оид фикрлари ҳам махсус илмий ўрганишларни талаб қилади.

Навоийнинг «Маҳбубулқулуб»да:

Кишига неча келса
мушкил ҳол,
Ҳикмату ақл'анга
эрур ҳаллол —

деб ёзганида ҳам жон бор эди. Ўрта асрчилик шароитида инсон аҳлига, илм-фан ролига бундай юқори баҳо бериш Навоийнинг жасорати ҳамдир. Чунки, у вақтда одамлар «ҳамма иш худонингина қўлидан келади!», — деб ўрганган эдилар. Бу биёти тарихининг айрим назарий масалалари қўйилган бўлса ҳам адабиётнинг синфийлиги ва халқчиллиги, адабий оқимлар, ижодий метод ва услуб масалалари атрофлича чуқур ўрганилаётгани йўқ. Адабиёт тарихини шу хил назарий масалалар аспектида ўрганиш — бош мезондир. Айрим ишларда маҳорат проблемаларини дунёқараш масалаларидан устун қўйиш тенденцияси сезиладики, бунга йўл қўйиш мумкин эмас.

Шу билан бирга қатор илмий тадқиқотларда жанр ва форма масалалари ҳақида гап борар экан, ўтмиш адабиётида, хусусан, лирика соҳасида тематик чекланганлик юз берганлиги, айрим даврларда анъанавий образларга берилиш устун келиб, баъзи прогрессив шоирлар ижодида ҳам шаклбозликнинг сезиларли ўрин тутганлиги, услубий ялтироқликлар етарли таҳлил қилинмаётир. Бу эса, практик жиҳатдан ҳам зарарли бўлиб, ҳозирги вақтда классик адабиёт тажрибаларидан тўғри фойдаланишни қийинлаштиради.

Адабиётшунослик текстологиядан бошланади. Бу соҳада ютуқларга нисбатан камчиликлар кўпроқ. Негаки, классикларимизнинг текстологик нуқсонлардан холи нашрини топиш мушкул. Ҳофиз Хоразмий, Машраб девонлари сифатсиз нашр этилгани текстологияга оид баҳсларда тўғри танқид қилинди. Шу вақтга қадар ўзбек классиклари асарларининг текстологияси бўйича дурустроқ бир қўлланма яратилмагани ҳам бу соҳанинг жиддий нуқсонидир.

Мазмунан бой, шаклан ранг-баранг классик адабиётимиз замонавий талаблар даражасида ўрганилишга лойиқ. Уни замон хизматига тўла йўллаш учун у билан боғлиқ масалаларни илмий асосларда текшириш ни янада юксак даражага кўтариш керак. Бу соҳада ҳозир биз яхши кадрларга эгамиз. Илмий текшириш ва нашр ишлари ташкилий томондан ҳам яхшиланмоғи зарур.

Ер юзида ҳаёт, цивилизация ядро уруши хавфи остида турган ҳозирги бир пайтда биз классик меросимизга мурожаат қилар эканмиз, яхшиликнинг ёмонлик, адолатнинг адолатсизлик, маърифатнинг жаҳолат, ишқ-муҳаббатнинг бевафолик, дўстлик, ўртоқликнинг душманлик, риёкорлик, ҳасадгўйлик устидан доим устун келганини кўрамиз. Бу гал ҳам шундай бўлади. Ақлзаковат, нур ва зиё енгади. Коммунистик жамият қураётган қаҳрамон халқимиз, бутун прогрессив инсоният ер юзида тинчликни, ҳаётни, маданият ва адабиёт обидаларини мислсиз хатардан сақлаб қола олади.

Абдуқодир ҲАЙИТМЕТОВ,
филология фанлари доктори, профессор.

✽

Ўзбекистон санъат усталари, хусусан, рақс намояндалари вакиллари билан ҳиндистонлик санъаткорлар анча йиллардан бери дўст, ижодий алоқада бўлиб келадилар. Бизнинг республикамиз вакиллари Ҳиндистонда бир неча марта концерт берган бўлсалар, ҳиндистонлик артистлар Ўзбекистонда тез-тез ижодий сафарда бўлиб туришади. Ана шу гастроллар вақтида ўзаро ҳамкорликда янги куй ва рақслар яратилапти. СУРАТДА: Мукаррама Турғунбоева номидаги Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган Давлат «Баҳор» рақс ансамбли солисткаси Холида Хўжаева ва ҳиндистонлик санъаткор меҳмон Манжу Кохили. М. Кохили ўзбекистонлик дугонасига янги ҳинд рақсини ўрганишда ёрдам бермоқда.

А. Рисқиев фотоси.
(ЎзТАГ).

✽

«МЕН ЎЗБЕК ҚИЗИМАН»

Номи социалистик Ўзбекистон маданияти тарихига ёзилган хушовоз хонанда Ҳалима Носирова ўз қўшиқларининг бирида ана шундай деб куйлайди. Ҳалимахоним каби артистлар ҳақида улар биринчилардан, деб гапиришади. Ўзбекистонда биринчи профессионал музикали драма театрининг қатнашчиси, биринчи ўзбек миллий «Бўрон» операсининг ижрочиси, Ўзбекистон композиторлари яратган ажойиб хотин-қизлар образларини Тошкент опера театри саҳнасида мужассамлаштирган Ҳалима Носировага республикада биринчи бўлиб Ўзбекистон ССР халқ артисткаси унвони берилган эди.

Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти чиқарган «Китоб-альбом» СССР халқ артисткаси, СССР Давлат мукофотларининг лауреати ва Ўзбекистон ССР Ҳамза номидаги республика Давлат мукофотининг лауреати Ҳалима Носировaнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган. Ўзбекистон кинематографиячилари ҳам ўзбек халқининг қизи ҳақида ҳужжатли фильм яратдилар.

Китоб ва кинофильм ярим асрдан буён санъат йўлида хизмат қилиб келаётган машҳур актриса юбилейига совға бўлиб қолди.

(ЎзТАГ).

«ЭРТАК» КИНОФЕСТИВАЛИ

Наманган областида «Эртак» кинофестивали давом этмоқда. Ёш томошабинлар учун байрам репертуарида улар севиб кўрадиган бадиий фильмлар, мультипликацион ленталар бор. Область шаҳар ва қишлоқларининг мактаб ўқувчиларидан 100 мингдан кўп ўғил ва қиз каникул кунларида кинотеатрларда бўлади.

(ЎзТАГ).

РАССОМЛАРНИНГ ЯНГИ ИЗЛАНИШЛАРИ

ҲАМИША ИЛҲОМБАХШ

Пахта ва пахтакор мавзуи Ўзбекистон рассомлари ижодида алоҳида ўрин тутади. Ажойиб ишлари билан республикамиздагина эмас, балки мамлакатимиз миқёсида танилган моҳир мўйқалам соҳибларининг ана шу эзгу мавзуда яратилган бир-биридан гўзал асарлари борки, улар эндиликда республикамиз бадиий маданияти хазинасидан муносиб ўрин олган. Бу портрет ва картиналар, тематик асарлар, баралла айтиш мумкинки, мангуликка дахлдор ижодий ишлардир.

Пахта ва пахтакор мавзуида кейинги йилларда кўплаб асарлар ижод этилмоқда. Масалан, таниқли рассом, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Сафо Муҳамедовнинг ишларини бу соҳадаги ютуқлардан деб айтиш мумкин. Унинг қаҳрамонлари ташқи кўринишдагина эмас, балки ички маънавий дунёсининг гўзал бадиий ифодаси билан ҳам бизга илҳом бағишлайди. Санъаткор Сирдарё райони меҳнаткашларини, уларнинг фидоийлигини ўзига хос бўёқларда тасвирловчи асарлар галереясини яратди. Мисол учун унинг «Дала шийпонида» картинасини олайлик. Илғор ўзбекликлардан бўлган «Коммунизм» колхози дала меҳнаткашларини тасвирлаган бу асар ҳақиқий меҳнатдан сўнг мириқиб дам олаётган, бажарган ишидан ғоятда мамнун пахтакорнинг шодухуррам кайфиятини, қишлоқ хўжалигида йилдан-йилга самарали ютуқларни қўлга киритаётган актив замондошимизнинг орзу-интилишларини ёрқин ифодалаган. Рассом пахтакорга хос характерларни оригинал бўёқларда, ишораларда беради. У кўпинча шодиёна лаҳзаларни тасвирлайди. Бунда катта мантиқ бор.

Андижонлик рассом Обиджон Бакировнинг ишлари ҳам замонавийлиги билан диққатга сазовор. У дунёга зийрак кўз билан боқади. Замондошларимизни тўлқинлантираётган муҳим проблемалар юзасидан ўз фикрини айтишга интилади. Ана шу ҳамнафаслик, ҳамқадамлик рассом ижодига оригинал асарларни инъом этди. Масалан, О. Бакировнинг «Бригадир», «Пахтакор Одилжон Тешабоев», «Социалистик Меҳнат Қаҳрамони К. Қурбонов портрети» ишларида биз билан ҳамқадам кишилар тасвирланган. Рассом уларни табиий бир ҳолатда, масалан, дала бошида, эгатларга сув тараётган, пайкалларнинг файзидан хурсанд ҳолда турган лаҳзаларда чизади. Биз бу асарларда баъзи ишларда кўринадиган такрорни учратмаймиз. Аксинча, кичкина бўлса-да оригинал штрихларнинг гувоҳи бўламиз. Шу ўринда О. Бакировнинг «Кекса колхозчи портрети»ни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимиз. Бу асар ҳозирги замон қишлоқ меҳнаткашларининг ҳақиқий вакилини ниҳоятда ҳаётий тасвирлагани билан кишини хурсанд қилади. Унда бахтини пахтадан топган бунёдкор колхозчига ўзига хос тасвир гимни бор.

Тошкентлик рассом-график Г. Чигановни санъат мухлислари яхши билишади. Унинг қатор асарлари турли кўргазмаларда намойиш этилиб, муносиб баҳоланди. Рассом кейинги йилларда пахта ва пахтакор мавзуида янги картина ва портретлар ижод этди. Масалан, унинг «Ўзбекистон оҳанглари» сериясида яратган навбатдаги асарлари Хоразм областига бағишланди. Ана шу туркумга кирган ишлар орасида «Далага чиқит тушди», «Дала ошхонаси», «Хива районидаги В. И. Ленин номли колхознинг фахрий аъзоси М. Исмоилов портрети» асарлари мавзуни қизиқарли тасвирлагани билан эътиборга сазовор. Уларда ортиқча «ишора»ларни кўрмайсиз. Аксинча, умр мазмунини меҳнатда деб билган фидойи замондошларимиз ва уларнинг даласидаги завқли манзаралар билан беихтиёр ошно бўласиз.

Рассомнинг «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган пахтакор Ўринбой Исматов», «Механизатор Усмон Мамадалиев» портретлари ҳам моҳирона чизилган. Уларнинг афзаллиги шундаки, мўйқалам соҳибининг мақсадини кўрсатишга хизмат қилган штрихлар оригинал, ўзига хос, томошабин «мана бу ургу бошқа гап», деб хулоса чиқаришига хизмат қилади.

«Оқ олтин» ва унинг ижодкорлари мавзуида унумли ишлаётган рассомлардан яна бири республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби Абдимўмин Бойматовдир. Рассомнинг Сирдарё областидаги «Малик» совхозига қилган ижодий сафари ҳам самарали бўлди. Ижодкор картина ва портретларида меҳнат машаққатларини бошидан кечирган замондошларимизни, уларнинг бир-бири билан баҳамжиҳат ояга интилишини, дўстлигини ўзаро социалистик мусобақада эришаётган зафарларини ёрқин бўёқларда тасвирлайди. Бу асарлар бугунги кунимиз пахтакорларининг ҳаёти ва изланишларини бетакрор бўёқларда ифодалагани билан қимматлидир.

Пахта ва пахтакор мавзуи Алишер Мирзаев, Муборак Йўлдошев, Бахтиёр Назаров, Туркман Эсонов, Исфандиёр Ҳайдаров каби ёш рассомлар ижодида ҳам ўзининг муносиб бадиий ифодасини топмоқда.

Тўғри, ютуқлар кўп. Лекин рассомларимизнинг изланишларида баъзан суслик ҳам кўзга ташланиб туради.

Т. ОДИЛБЕКОВ,
санъатшунос.

ДУНЁ воқеалари

ХАБАРЛАР ФАКТЛАР

ТУНИС ПРЕЗИДЕНТИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

ТУНИС, 6 январь. (ТАСС). Тунис президенти Ҳабиб Бургиба бугун радио ва телевидение орқали миллатга мурожаат қилиб нутқ сўзлади. У ҳукумат нон ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари нархини ошириш тўғрисида аввал қабул қилган қарор бекор қилинганлигини айтди. Президент мамлакатнинг молиявий-иқтисодий проблемаларини бартараф этиш юзасидан янги таклифларни министрлар кабинетига тавсия этишни таклиф қилди. Бутун Тунис территориясидаги аҳвол барқарорлашиб бормоқда, деди у.

ГЕРМАНИЯ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ VII СЪЕЗДИДА

НЮРНБЕРГ, 7 январь. (ТАСС мухбирлари). Кеча бу ерда Германия Коммунистик партиясининг VII съезди очилди. Съезд ишида Германия Федератив Республикасидан 800 дан зиёд делегат ва меҳмонлар, шунингдек қиркдан кўпроқ қардош Коммунистик ва ишчи партияларнинг, миллий озодлик ҳаракатларининг вакиллари иштирок этмоқдалар. Анжуман қатнашчилари КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари Г. В. Романов бошчилигидаги КПСС делегациясини самимий кутиб олдилар.

ГКП Раиси Герберт Мис съездда ҳисобот доклади қилди. У халқаро вазиятнинг актуал масалаларига тўхталиб, АҚШ маъмурияти ГФРдаги кўпчилик халқнинг иродасига ва унинг миллий манфаатларига ҳилоф равишда Бонн расмий доираларининг тўла мадади билан Ғарбий Европа тупроғида биринчи зарба уришга мўлжалланган ракета-ядро қуролини жойлаштира бошлади, деди.

ХДС/ХСС — ЭДП ҳукмрон коалицияси «Першинг-2» ракеталари ва қанотли ракеталарни ГФРда жойлаштиришга розилик бериб, мамлакат халқининг хўриш-иродасини, СССР ва бошқа социалистик давлатларнинг қуролсизланиш соҳасидаги кўпдан-кўп амалий таклифларини назар-писанд қилмади; бу коалиция тинчликсевар жамоатчиликнинг «Крефельд хитобномаси» остидаги 5 миллион имзони, касаба союзларининг курашини, олимлар ва дин арбобларининг огоҳлантиришларини эътиборга олмади.

Г. Мис сўнгра қуйидагиларни уқтириб ўтди: Вашингтон Европада ядро қуролларини чеклаш тўғрисида Женева музокараларини ҳеч қачон жиддий олиб бориш ниятида эмас эди, чунки у ҳамиша СССРга мўлжал олдирилган ва биринчи зарба уриш қуроли бўлган ядро қуролини қандай қилиб бўлмасин жойлаштиришни бош вазифа, деб ҳисоблаб келди. Ўз навбатида ГФР ҳукумати АҚШни Совет Иттифоқининг тинчликсевар ташаббусларига ижобий жавоб қайтаришга ундаш учун ҳеч нарса қилгани йўқ.

Рейган маъмурияти уруш тўғрисида сафсатабозлик қилибгина қолмай, балки унга амалий равишда тайёргарлик ҳам кўрмоқда, дейилади сўнгра докладда.

Ҳозирги шароитларда жаҳон уруши бутун инсоният цивилизациясининг мавжудлигини амри-маҳол қилиб қўйган бўлур эди. Бунга йўл қўйиш мумкин эмас, деб таъкидлади ГКП Раиси.

Бугунги кунда давлатларнинг социалистик ҳамдўстлиги тимсолида шундай куч мавжудки, бу куч бошқа тинчликсевар кучлар билан бирга империализм жаҳон ядро урушини чиқаришининг олдини олишга қодирдир. СССР ҳамда бошқа социалистик мамлакатларнинг ташқи сиёсати социализм билан тинчлик ажралмас эканлигини қайта-қайта исботламоқда.

Ғарбий Германия коммунистларининг раҳбари ГФРдаги урушга қарши оммавий ҳаракатга мурожаат қилиб, 1984 йил тинчлик ҳамда хавфсизлик учун кураш ва ҳаракатлар янги йили бўлиб қолсин! — деди.

Г. Мис бундай деди: биз КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ю. В. Андроповнинг, шунингдек ГБСП Марказий Комитети Бош секретари, ГДР Давлат Кенгаши Раиси Э. Хонеккернинг ва бошқа социалистик мамлакатлар раҳбарларининг фикрига, яъни уруш хавфи ортиб бораётган, халқаро вазиятнинг актуал масалаларига тўхталиб, АҚШ маъмурияти ГФРдаги кўпчилик халқнинг иродасига ва унинг миллий манфаатларига ҳилоф равишда Бонн расмий доираларининг тўла мадади билан Ғарбий Европа тупроғида биринчи зарба уришга мўлжалланган ракета-ядро қуролини жойлаштира бошлади, деди.

* * *

КПСС делегациясининг бошлиғи, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Г. В. Романовнинг бугун съездда сўзлаган нутқи давомли қарсаклар билан кутиб олинди.

* * *

Г. В. Романов ГКП билан улуғ Ленин партияси ўртасида мустаҳкам қардошларча дўстлик алоқалари мавжудлигини таъкидлаб бундай деди:

Мен КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Юрий Владимирович Андроповнинг шахсий топшириғини — сизларга унинг самимий саломини етказишни зўр мамнуният билан бажараман. Ўртоқ Андропов съезд ишида ва Германия Федератив Республикаси коммунистларининг бутун фаолиятида муваффақиятларга эришишни тилаб билдирган истакларини йўллади.

Сизларнинг съездингиз мамлакат кучларини уруш хавфи ошиб бораётганлигига қарши, Америкининг янги ракета ядро қуроли ГФРда жойлаштирилишига қарши, «Ракеталар ўрнига иш керак» деган талаб амалга оширилишига эришиш учун сафарбар қилиш шиори остида ўтмоқда.

Хатарли халқаро вазият вужудга келганлигининг ҳақиқий сабаблари Америка Қўшма Штатлари билан НАТОнинг милитаристик йўлида, уларнинг дунёда ўзларига устун позицияларни таъминлашга интилаётганлигидадир.

Вашингтон маъмурияти ижтимоий система сифатида социализмга қарши «салб юриши» эълон қилиб, тарихни орқага буриб юборишга, революцион ҳаракатларни ва прогрессив режимларни бостиришга уринмоқда. АҚШнинг Гренададаги жиноий интервенцияси айни шу мақсадларни кўзлади. Ливан ватанпарварлари худди шу мақсадда осмондан бомбардимон қилинмоқда ва кемалардаги тўплардан ўққа тутилмоқда, Никарагуага қарши ёлланган сотқинларнинг тўдалари юборилмоқда. Кубага қарши дўқ-пўписа ва таҳдид сиёсати ўтказиб келинмоқда, Афғонистонда аксилинқилобчиларнинг жиноий хуружлари ташкил этилмоқда.

Ҳақиқатан ҳам тўхтовсиз қуролланиш пойгаси АҚШ гегемончилик йўлининг ажралмас қисми бўлиб қолди.

Америка маъмурияти ўзининг агрессив тайёргарликларини ниқоблашга уринмоқда. Бу маъмурият, жумладан, ўзининг музокараларга тайёр эканлигини айтмоқда. Лекин, қандай музокараларга тайёр экан? деган савол туғилади. Америка делегацияси Женевада икки йил мобайнида ўзини гўё музокаралар олиб бораётгандек қилиб кўрсатди.

АҚШ ўз ракеталарини ГФРда, Англия ва Италияда жойлаштира бошлаб музокараларни барбод этди, уларни давом эттиришдан ҳеч бир маъно қолдирмади. Шундай бир шароитда музокараларни давом эттиришнинг иложи бўлмади. Шуни тўғридан-тўғри айтиш керакки, бунинг учун бутун жавобгарлик Вашингтон зиммасига ҳам, шунингдек ўз мамлакатларида Америка ракеталарининг жойлаштирилишига розилик берган Вашингтон иттифоқчиларининг ҳам зиммасига тушади. Ўз-ўзидан равшанки, бу гап ГФР ҳукуматига ҳам таллуқлидир.

Сизларнинг съездингиз Нюрнбергда ўтмоқда. — Шу шаҳарнинг ўзи, унинг номи иккинчи Жаҳон урушининг фожеасини эслатиб турибди. Нюрнберг тошлари тарих сабоқларидан тегишли хулосалар чиқариб олишга даъват этмоқда. Аммо шундай хулосани ҳамма, шу жумладан бу ерда, ГФРда ҳам асло чиқариб олган деб бўлмайди.

Мамлакатингиз территориясида Американинг биринчи зарба уришига мўлжалланган ракеталарнинг жойлаштирилиши ГФРни Вашингтоннинг бандисига айлантириб, у яна уруш бошланадиган майдон бўлиб қолиши мумкинлигининг реал имкониятини вужудга келтиради. ГФР халқи воқеаларнинг бундай боришидан асло манфаатдор эмаслигига аминмиз.

Американинг янги ракеталари ГФРда жойлаштирилиши шу мамлакат хавфсизлигини сира ҳам оширмайди. Аксинча, бу ҳол хавфсизликка путур етказади. Шу билан бирга у бизнинг узоқ вақт мобайнида ўзаро манфаатли йўлдан ривожланиб келган икки томонлама муносабатларимизга талайгина зарар келтиради. Бу тадбир 1970 йилги Москва Шартномасининг асосий мазмунига тубдан зид эканлигини, Хельсинкидаги Якунловчи актнинг руҳига ҳам хилоф эканлигини кўрмаслик мумкин эмас-ку, ахир.

Вужудга келган вазиятда Совет Иттифоқи тегишли мудофаа жавоб чораларини кўрмоқда, бу чоралар АҚШнинг ракеталари жойлашган мамлакатларнинг территорияларигагина эмас, шу билан бирга Америка территориясининг ўзига ҳам дахлдордир. Бу чоралар мажбурий бўлди, лекин бундан бошқа илож йўқ эди.

Шу чоралардан кузатилган мақсад битта. У ҳам бўлса АҚШнинг ракеталари Европада жойлаштирилаётганлиги сабабли вужудга келаётган қўшимча хавф-хатарни бартараф этишдир. Ана шу чоралар СССР ҳамда социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг хавфсизлигини таъминлаб, бошқа барча халқларнинг манфаатларига объектив равишда мос бўлиб тушади, чунки улар вашингтонлик стратеглларнинг авантюризмини жиловлашга қаратилгандир. Биз шунга қатъий аминмизки, реакцион империалистик пропаганданинг барча чирнишларига қарамай, Ғарбдаги халқ оммаси шу фактни англаб етади.

Бошқа бир нарсани ҳам равшан англаб олиш керак: бизнинг жавоб чораларимиз 60- 70-йилларда эришилган ҳарбий стратегик мувозанатни сақлаб қолиши лозим. Совет халқи шу мақсадга эришиш йўлида зўр куч-ғайрат сарфлади, бу йўл талайгина маблағларни талаб қилди. Аммо ана шу мувозанатни сақлаб қолишнинг аҳамияти ниҳоятда катталиги: бу мувозанат халқаро ривожланишнинг энг катта ижобий омили бўлиб қолди. Бинобарин, бу мувозанатни бузишга ҳеч ким муваффақ бўла олмайди! Мувозанат сақланиб турган даражани кескин пасайтириш мумкин ва лозимлиги эса бошқа гап. Биз батамом шундай ёндашув тарафдоримиз.

Европа халқлари тинчликка астойдил муштоқдирлар. Улар Америка маъмурияти тузаётган «чекланган» ядро уруши ва бошқа хил ядро урушларининг режалари вужудга келтираётган хавф-хатарни тобора яққолроқ англаб етмоқдалар. Айни шу боисдан урушга қарши оммавий ҳаракат кўлами сусаймаяпти, биз ана шу ҳаракат сафларида турли ижтимоий ва сиёсий оқимларга мансуб кишиларни кўрамиз. НАТО пропагандистларининг даъволарига қарамай, бу ҳаракат асло мағлубиятга учрагани йўқ. Тобора кенг халқ оммаси шу ҳаракатга қўшилмоқда, унинг келажаги порлоқдир. Чунки оқибат натижада ақл-идрок уруш кучлари устидан тантана қилишига ишонамиз!

Совет Иттифоқига келганда, Юрий Владимирович Андропов айтганидек, Совет Иттифоқи «...қурол-яроғларнинг тобора янги-янги турларини кўпайтириш ва ихтиро этиш йўли билан эмас, балки аксинча мавжуд қурол-яроғларни беқиёс паст даражаларгача қисқартириш йўли билан тинчлик мустаҳкамланиши ва халқларнинг хавфсизлиги гарантияланиши мумкинлигига аминдир». АҚШ ва Ғарбий Европа давлатларининг раҳбарларини биз амал қилишга даъват этаётган йўл, бутун инсониятнинг орзу-умидларига мос бўлиб тушадиган йўл мана шудир!

Совет халқи ҳозирги аҳволнинг жиддийлигини ҳам, тинчликни ҳимоя этиш учун ҳамма ишни қилиш зарурлигини ҳам яхши тушунади. Ғарбдаги баъзи кимсалар Совет Иттифоқи Американинг «салб юриши» тазйиқи остида букилиб, таслим бўлади деб умид қилмоқдалар. Аммо бу беҳуда умидлардир! Бизнинг душманларимиз бир нарсада: социалистик тузум имкониятлари ва афзалликларига, совет кишиларининг ирода кучи ва руҳий бардамлигига етарлича баҳо бермай хато қилиб келдилар ва ҳозир ҳам хато қилмоқдалар.

КПСС XXVI съезднинг, Марказий Комитетнинг шундан кейинги Пленумлари қарорларини рўёбга чиқара бориб, ривожланган социализмни такомиллаштириш йўлини зўр ғайрат ва собитқадамлик билан ўтказиб келмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг янги йил арафасида бўлиб ўтган Пленуми мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1984 йилги Давлат планини кўриб чиқди, сўнгра бу планни СССР Олий Советининг навбатдаги сессияси қабул қилди.

Коммунистлар, бутун совет халқи Юрий Владимирович Андроповнинг нутқида халқ хўжалигини янада ривожлантиришнинг асосий йўналишларига оид берилган чуқур баҳолар ва баён этилган хулосаларни жанговар, конкрет ҳаракат программаси деб қабул қилдилар. Биз эртанги кунга зўр умид билан назар ташлаймиз ва ўртага қўйилган вазифалар ҳал этилишини биламиз!

КПСС делегациясининг бошлиғи КПСС Марказий Комитетининг табрикномасини ва эсдалик совғани — илмий социализм асосчиларидан бири Карл Маркснинг портретини съезд президиумига тақдим этди.

А. ГРИГОРЬЕВ,
С. СОСНОВСКИЙ.

Канада меҳнаткашлари янги урушнинг олдини олиш учун астойдил курашмоқдалар. Улар ўз мамлакатлари ядро қуролларидан ҳоли зона бўлишини талаб қилиб, намойишлар ўтказмоқдалар. Улар АҚШнинг Ғарбий Европа мамлакатларида ядро қуролларини жойлаштиришга зўр бериб интилаётганлигини ҳам қаттиқ қораламоқдалар. Суратда: Монреал кўчаларида меҳнаткашларнинг урушга қарши оммавий юриши акс эттирилган. Намойишчиларнинг шиорларида «Хиросима воқеаларини унутманг!» деган сўзлар ҳам бор.

А. Меликян фотоси (ТАСС).

ТАЯНЧ КУЧЛАР

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ГАЗЕТАСИ РЕДАКЦИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШЛАРИДА

●

Мана, бир неча йилдирки, «Совет Ўзбекистони» газетаси редакцияси ҳузурида жамоатчилик кенгашлари фаол иш олиб бормоқда. Газетанинг таянч кучи бўлган бу кенгашлар КПСС XXVI съезди ва партиямиз Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумлари қарорларини ҳаётга изчил татбиқ этиш йўлида социалистик мусобақани авж олдириш, зиммага олинган юксак мажбуриятларнинг тўла ва ошириб бажарилишини таъминлаш, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини юксалтириш, меҳнат унумдорлигини ўстириш масалаларини кўпроқ ёритишда ва халқ хўжалик тармоқларида ечимини кутиб ётган айрим муаммоларни ҳал этишда журналистларга яқиндан ёрдам беряпти. Кенгашлар аъзоларининг қимматли маслаҳатлари ва тавсиялари билан илғор меҳнат коллективларининг тўплаган тажрибалари, янги техника воситалари ва ускуналар самарадорлигини ошириш, маҳсулот таннархини арзонлаштириш, тежамкорлик режимига қатъий риоя этиш, халқ истеъмол молларини кўпроқ тайёрлаш борасида эришилаётган ютуқлар «технология»си кенг оммалаштирилмоқда.

— Биз фан-техника тараққиётини жадаллаштириш билан доимо ва зўр бериб шуғулланишимиз шарт, албатта, — дейилади ўртоқ Ю. В. Андроповнинг КПСС Марказий Комитети 1983 йил декабрь Пленумидаги нутқи текстида. Шунга кўра, ушбу Пленумда иқтисодий сиёсат соҳасида белгиланган режалар олимлар олдига ҳам жуда катта вазифалар қўйди. Хўш, уларни ҳаётга татбиқ этишда, шу куннинг долзарб масалаларини газета саҳифаларига олиб чиқишда жамоатчилик кенгашлари қандай ёрдам беришлари мумкин? Бу масалалар редакция ҳузуридаги фан-техника тараққиётини пропаганда қилиш бўйича жамоатчилик кенгашларининг яқинда бўлиб ўтган навбатдаги йиғилишида муҳокама қилинди.

Редакция ҳузуридаги ёш ижодкорлар билан ишлаш ва болалар адабиёти кенгашлари аъзоларининг қўшма йиғилишида эса замондошларимизнинг тўлақонли образини акс эттирувчи бадиий очерклар, публицистик мақолаларга кенгроқ ўрин бериш кераклиги эътироф этилди. Танқидчилигимиз олдида турган вазифалар ҳақида сўз юритилди. Болалар адабиёти проблемаларига бағишланган мақолаларга эҳтиёж „сезилаётганлиги, ёш авлодни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилувчи мақолаларни кўпайтириш хусусидаги мулоҳазалар ўртага ташланди.

● СПОРТ ● СПОРТ

ТОҒ ЧАНҒИ СПОРТИ БЎЙИЧА СССР КУБОГИ

БЎШ КЕЛМАЙМИЗ

А. Ғойипов,
СССР спорт мастери

Мен камол топган қишлоқ — Чимён бағрининг яна гавжумлашишидан беҳад хурсандман. Тоғлар қўйнида ажойиб спорт комплексининг яратилиши республика партия-ҳукуматининг физкультура ва спортни, айни чоғда тоғ чанғи спортини янада ривожлантириш ҳамда оммавийликни таъминлаш борасида кўрсатаётган ғамхўрлигининг ёркин тимсолидир. Чимёнда Иттифоқ ва халқаро миқёсдаги йирик мусобақаларни ўтказиш учун барча шароитлар етарли.

Анъанавий равишда ўтказилаётган СССР кубоги учун курашда муваффақиятли қатнашиши учун республикамиз чанғичилари ҳам пухта ҳозирлик кўрдилар. Ўн беш нафар йигит-қиз моҳир тренер Виктор Зубарев бошчилигида фахрли ўринлардан бирини эгаллашга шай бўлиб турибди. Ўйлаймизки, О. Андреев, Г. Исаев, Р. Стенин сингари чанғичиларимиз мухлисларни мамнун этадилар.

Баҳслар ва ғолиблар

● ФУТБОЛ. Ленинградда ўсмирлар ўртасида халқаро турнир давом этмоқда. Дастлабки учрашувларда қуйидаги ҳисоблар қайд қилинди: СССР-1—АҚШ — 0:0, СССР-2—Бельгия — 0:0, ГФР—Франция — 2:0.

● ШАХМАТ. Тож даъвогарлари В. Смислов билан Г. Каспаровнинг ўзаро финал учрашуви 10 мартдан бошлаб Вильнюс шаҳрида ўтказиладиган бўлди.

● ЕНГИЛ АТЛЕТИКА. Тошкентдаги «Ёшлик» спорт аренасида «Спартак» кўнгилли спорт жамияти республика Совети биринчилиги бўлиб ўтди. Тошкентлик Р. Раҳматуллин 100 ва 400 метрга, фарғоналик М. Жупикова 1500 ва 300 метрга югуришда ғалаба қозонишди. Команда ҳисобида тошкентликлар биринчи ўринни, Фарғона ва Андижон енгил атлетикачилари иккинчи ҳамда учинчи ўринларни эгаллашди.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ЭЪЛОНЛАР

ОЛМАЛИҚ ШАҲРИДАГИ
41-ЎРТА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
қуйидаги мутахассисликлар бўйича
ҚЎШИМЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

сувоқчи-безакчи-плиткачи, қўл пайванди бўйича электр пайвандловчи, қурилиш дурадгори, ёритиш ва кучли тармоқлар ва электр ускуналари бўйича электромонтёр, дурадгор; кранларни бошқариш бўйича кран машинистлари, автомобиль ремонти бўйича слесарь. Ўқиш муддати — 3 йил; арматурачи-пайвандловчи, сувоқчи-бўёқчи, ғишт терувчи-монтажчи, автоматик контрол ва бошқариш приборлари ва аппаратлари бўйича слесарь-монтажчи. Ўқиш муддати — 2 йил; қўл пайванди электр пайвандловчиси, кран машинисти. Ўқиш муддати — бир йил, бир ярим йил.

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқувчилар бепул овқат, формали кийим-бош, ётоқхона билан таъминланадилар.

Бир йил муддатда таълим олувчи ўқувчиларга стипендия тўланади. Улар шунингдек, ишлаб чиқариш практикасида ишланган маблағнинг 50 процентини мукофот тариқасида оладилар.

Битирувчиларга ўрта маълумот олгани ва мутахассислиги бўйича малака разряди берилиши ҳақида диплом топширилади.

Билим юрти битирувчилари фақат яхши ва аъло баҳолар олган тақдирда, билим юртини тугатгач олий ўқув юртларига кириб ўқиш ҳуқуқига эга бўладилар.

«Алмаликсвинецстрой» ва «Алмаликградострой» трестлари объектларида мутахассислиги бўйича иш гарантияланади.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ариза, таржимаи ҳоли, маълумоти тўғрисида гувоҳнома (асл нусхаси), турар жойидан справка, медицина справкаси (286-форма), 4 дона фотосурат (3х4 см. ҳажмда).

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент область, Олмалиқ шаҳри, Свердлов кўчаси, 3-уй (1, 2, 3, 6, 9, 11-автобуслар; 1,4 троллейбусларнинг «Комсомол» бекати). Телефонлар: 5-25-86, 5-28-78.

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҚОШИДАГИ
ёшларни олий ўқув юртларига кириш учун тайёрлайдиган
МАРКАЗИЙ КУРСЛАР
1983—1984 ўқув йили учун

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тайёрлов курсларига кирувчилар университет ректори номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатларни қўшиб топширадилар: ўрта маълумот ҳақидаги ҳужжат нусхаси (10-синф ўқувчилари учун мактабдан справка), турар жойидан справка, 3х4 см. ҳажмдаги 2 та фотосурат, иш жойидан справка (ўрта маълумотлилар учун).

МАШҒУЛОТЛАР МАТЕМАТИКА, ФИЗИКА, ХИМИЯ, БИОЛОГИЯ, ОНА ТИЛИ ВА АДАБИЁТ, ТАРИХ ВА ЧЕТ ТИЛЛАРИ (инглиз, немис, француз)**ДАН ҲАФТАСИГА УЧ МАРТА КЕЧ СОАТ 19.00 ДАН УНИВЕРСИТЕТ БИНОСИДА** (студентлар шаҳарчаси) **ОЛИБ БОРИЛАДИ.**

Ҳужжатлар душанба, чоршанба ва жума кунлари кеч соат 17.00 дан 20.00 гача ТошДУ бош корпусининг «А» бўлими—математика факультетининг 5-қават, 501-хонасида қабул қилинади.

ЎРТА ОСИЁ РАНГЛИ МЕТАЛЛУРГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ВА ЛОЙИҲА ИНСТИТУТИ

Олмалиқ шаҳрида ишлаш учун симоб металлургияси ва таркибида иккиламчи симоб бўлган хом ашё лабораторияси **мудири**

вакант вазифасига

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурс муддати — 21 январгача.

Конкурсда ана шу соҳада иш тажрибаси бўлган фан докторлари ва кандидатлари қатнашишлари мумкин.

Ҳужжатлар ушбу адресга юборилади: 700000, Тошкент шаҳри, Пушкин кўчаси, 59-уй, «Средазниипроцветмет».

Театр

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 8/I да **Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артистлар Ҳусан Шарипов ва Марям Ихтиёроваларнинг ижодий кечаси, 9/I да Тошкентнинг нозанин малиқаси.**

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **«Циркда арча» Катта Янги йил томошалари** (10.00, 12.30, 15.00, 18.00).

«Совет Ўзбекистони» газетаси редакцияси коллективи газетанинг Қашқадарё область мухбири Мусо Каромонга отаси

Каром МАЪДИЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Телевидение

8 ЯНВАРЬ, ЯКШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Ҳужжатли фильмлар. 10.10 — Будильник. 10.40 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан! 11.40 — Здоровье. 12.25 — Тонгги почта. 12.55 — Совет спорти. 13.05 — Қишлоқ янгиликлари. 14.05 — Музикали киоск. 14.35 — Фильм-концерт. 15.40 — Ҳаваскорлар бадиий ижоди Бутииттифоқ кўриги. 15.55 — Саёҳатчилар клуби. 16.55 — Фильм-концерт. 17.35 — Мультфильм. 17.45 — Эстрада ва цирк артистлари иштирокида музикали программа. 18.30 — Халқаро панорама. 19.15 — Мери Поппинс, хайр. Бадиий фильм. 1- ва 2-сериялар. 21.30 — Время. 22.05 — Дунё ва ёшлар. 22.40 — Варадеро-83. Музикали фестиваль. 23.25 — Ҳужжатли фильм. 23.55 — Янгиликлар.

МОСКВА-II 9.00 — Зарядкага сафланинг! 9.20 — Венгерча 6-рапсодия. 9.30 — Мультфильмлар. 10.00 — Мўъжизасиз мўъжизалар. 11.00 — Концерт. 11.20 — Ҳужжатли фильм 11.50 — Мультфильм. 12.00 — Менинг генералим. Бадиий фильм. 2-серия. 13.05 — Ер. Коинот. 13.50 — Ёдингдами, ўртоқ... 14.50 — Р. Ибрагимов куйлайди. 15.05 — Ҳужжатли фильм. 15.20 — Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар. 15.55 — Футбол. ГФР — Франция. 16.35 — Оловли йўллар. Бадиий фильм. 9-серия. 17.50 — Театр афишаси олдида. 18.50 — Биз рақсни чизяпмиз. 19.10 — Машҳур совет ижрочилари — Ленин мукофотининг лауреатлари. 20.80 Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.45 — Рус музейи. 21.10 — Ҳужжатли фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Ўй қуриляпти. Бадиий фильм. 23.10 — Футбол. СССР-I — АҚШ.

ТОШКЕНТ-I. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Телефильм. 10.40 — Чол ибн Хаттоб. Бадиий фильм. 12.05 — Қувноқ стартлар. 13.15 — Йўл ҳаракати хавфсизлиги учун. 13.50 — Ўзбекистон спорти. 14.20 — Реклама. 18.05 — Қўшиғим, жон қўшиғим. 18.45 — Телефильм. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Назм ва наво. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Назм ва наво. (даноми). 21.30 — Время. 22.05 — Чимён чанғисида СССР кубоги учун мусобақалар. 22.20 — Оцеола. Бадиий фильм.

ҚИРҒИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

9 ЯНВАРЬ, ДУШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Мультфильмлар. 10.20 — Концерт. 11.05 — Болалар учун фильм. 11.50 — Ҳайвонот оламида. 12.50 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 15.50 — Концерт. 16.20 — Тележурнал. 17.10 — Буратино кўргазмаси. 17.40 — Мультфильм. 17.55 — Днестр операцияси. 18.15 — Съездлар саройида арча байрами. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Комбайн заводида. 20.10 — Халқ куйлари. 20.25 — Навқирон Россия. Бадиий фильм. 4-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Концерт. 23.10 — Ҳужжатли фильм. 23.40 — Дунё воқеалари.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.20 — Илмий-оммабоп фильмлар. 9.45 — Рус тили. 10.15 — Фан ва турмуш. 11.00 — Концерт. 11.45 — Илмий-оммабоп фильм. 12.05 — Дунё ва ёшлар. 12.40 — Мультфильм. 13.25 — Сен қонунни биласанми? 14.05 — Болалар учун фильм. 15.20 — Рина Зелёная ҳақида фильм суратга олинсин. 16.25 — Ҳужжатли фильм. 16.40 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — ...16 ёшгача ва ундан катталар. 19.30 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан! 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.45 — Халқаро панорама. 21.30 — Время. 22.05 — Токи тоғлар бор экан. Бадиий фильм. 23.20 — Концерт.

ТОШКЕНТ-I. 11.20 — Янгиликлар. 11.30 — Қизил қоя заставаси. Бадиий фильм. 13.20 — Қизил альпинистлар. Бадиий фильм. 9, 10, 11-сериялар. 14.45 ва 18.05 — Янгиликлар. 18.15 — Болалар учун фильм. 18.25 — Бурчга садоқат. 18.55 — Бирга бўлсак ҳаммамиз. 19.30 — Ахборот. 19.50 — Тошкент оперетта театри таклиф этади. 20.30 — Ахборот. 20.55 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Халқаро шарҳ. 22.20 — Сиёвуш ҳақида достон. Бадиий фильм. 1-серия. 23.45 — Янгиликлар.

ТОШКЕНТ-II. 9.00 — 16.45— Москва-II. 18.10 — Телефильмлар. 18.45 — Врач маслаҳати. 19.00 — Ҳужжатли фильм. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Эртага — премьера. 21.30 — Москва-II.

Радио

8 ЯНВАРЬ, ЯКШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Халқ қўшиқлари гулдастаси. 9.15 — Табассум радиожурнали. 11.30 — Баҳор ансамблининг созандалари чалади. 12.10 — Ишчинома. 13.00 — Чорвадор. 13.30 — Ишлаб чиқариш илғорлари, Сизлар учун. 14.00 — Қишлоқда юксак турмуш маданияти учун. 15.40 — Театр микрофон олдида. 17.10 — Концерт. 18.15 — Халқаро аҳвол кундалиги. 18.30 — Дўстларимиз эстрадаси. 19.25 — Ёшлик. 21.10 — Фан уфқлари. 21.10 — Табассум (такрорий). 22.30 Лирик концерт.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС:
700000, Тошкент-П.
Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 33-11-49, 32-54-13.

Р. — 09016. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. В. — 7. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12 13 14 15